

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 50-51-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (394-395)  
**ТЎПЛАМИ** 2009 йил  
21 декабрь

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## **МУНДАРИЖА**

### *Биринчи бўлим*

529. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 декабрдаги ўРҚ–230-сон Қонуни
530. «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 декабрдаги ўРҚ–231-сон Қонуни
531. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 декабрдаги ўРҚ–232-сон Қонуни
532. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 декабрдаги ўРҚ–233-сон Қонуни

533. «Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида озодликдан махрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 декабрдаги ЎРҚ–234-сон Қонуни
534. «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 декабрдаги ЎРҚ–235-сон Қонуни

### *Учинчи бўлим*

536. «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 декабрдаги 308-сон қарори
537. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги 309-сон қарори
538. «2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 310-сон қарори
539. «2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 311-сон қарори
540. «Ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 312-сон қарори
541. «Тошкент шаҳрида Нагоя университетининг ваколатхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 декабрдаги 313-сон қарори
542. «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 декабрдаги 314-сон қарори
543. «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий

инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари комплекси раҳбарининг мақоми ва вазифалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 декабрдаги 315-сон қарори

544. «Иқтисодиётнинг реал сектори акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигини янада оширишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 декабрдаги 316-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

545. «Автомобилтранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 13 октябрдаги 107-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050*)

546. «2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотида оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01-02/12-22, ЭГ-01/10-7233-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2053*)

547. «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 15 декабрдаги 280-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2054*)

548. «Қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 20 ноябрдаги 2009-45-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1396-2*)

549. «2010 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил 16 ноябрдаги 4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Ад-*

*лия вазирлиги томонидан 2009 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2055)*

550. «Табиий тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 12 ноябрдаги 68-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2056*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 5 декабрдан 18 декабргача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**529** Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида\*Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 3 ноябрда қабул қилинганСенат томонидан 2009 йил 4 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

- 1) қуйидаги мазмундаги **204<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 16 декабрда эълон қилинган.

**«204<sup>1</sup>-модда. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик**

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келса, шунингдек атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки улар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «204» рақамидан кейин «204<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **249<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«249<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари**

Ушбу Кодекснинг 204<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 декабрь,  
ЎРҚ–230-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**530** Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 26 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 апрелдаги 232–I-сонли қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 70-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 1, 22-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 2-банднинг:**

**биринчи хатбошисидаги** «Олий Мажлисига» деган сўзлар «Олий Мажлиснинг Сенатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** «Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига» деган сўзлар «Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 14-банддаги** «Олий Мажлис» деган сўзлар «Олий Мажлис Сенати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3) 15-банднинг учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**4) 16-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади»;

**5) 17-банднинг иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**6) 18-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмита-

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 16 декабрда эълон қилинган.

си Раиси (хайъат раиси), унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолияти асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи унинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда хайъат тузилади.

Хайъатнинг миқдор таркиби ва шахсий таркиби, лавозимига кўра хайъат таркибига кирадиган шахслардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Раисининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан тасдиқланади»;

7) **24-банд** «Олий Мажлис» деган сўзлардан кейин «Сенатининг» деган сўз билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 декабрь,  
ЎРҚ–231-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### **531 «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 354-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 16 декабрда эълон қилинган.



1) **3-модданинг ўн тўртинчи хатбошиси** «очиқ акциядорлик жамиятлари» деган сўзлардан кейин «ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилган тижорат банклари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **4-модда** қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Облигациялар юридик ва (ёки) жисмоний шахслар учун чиқарилади»;

3) **49-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар бозорида қўйидагилар тақиқланади:

эмитентга ёки қимматли қоғозларга тааллуқли ахборотни ошкор қилмасдан қимматли қоғозларни эмиссия қилиш;

чиқарилиши ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилмаган ёки тўхтатиб қўйилган қимматли қоғозларни жойлаштириш, уларнинг муомаласи, уларни реклама қилиш ва таклиф этиш;

қимматли қоғозлар эгасининг ўз депо ҳисобварағида бўлган қимматли қоғозларнинг қиймати тўлиқ тўлангунига қадар уларга доир битимлар тузиши;

қимматли қоғозлар бозорида хийла-найранг ишлатиш;

устав фонди шакллантирилгунига қадар (тижорат банкларининг устав фондини шакллантириш ҳоллари бундан мустасно), шунингдек уни тўлдириш ёки эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш учун корпоратив облигациялар чиқариш;

облигацияларнинг чиқарилиши рўйхатдан ўтказилганидан кейин облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг шу қарор билан белгиланган облигацияларга доир ҳуқуқлар ҳажмига тааллуқли қисмига эмитент томонидан ўзгартишлар киритиш;

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг мажбуриятлари бўйича мижознинг қимматли қоғозлари ва пул маблағларини ундириш;

эмиссиявий қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришда ва (ёки) уларнинг муомаласида бир инвесторга бошқасига нисбатан афзаллик белгилаш, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

а) давлат қимматли қоғозларини эмиссия қилиш;

б) акциядорлик жамиятининг акциядорларига ўзларига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда қимматли қоғозларни олишда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқ бериш;

в) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан қимматли қоғозларни олишга қонун ҳужжатлари билан чекловлар жорий этиш.

Корпоратив облигацияларни фақат тижорат банклари, шунингдек қўйидаги шартларга риоя этган ҳолда очиқ акциядорлик жамиятлари:

аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари би-

лан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлса; инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқариши мумкин.

Корпоратив облигациялар уларнинг эгаларига очиқ акциядорлик жамиятини ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилган тижорат банкини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди.

Юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкини назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир неча битим натижасида банк акцияларининг 5 фоиздан ортиғини олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳабардор қилинишини, 20 фоиздан ортиғини олиш эса, олдиндан унинг розилигини олишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олдиндан розилигини олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Эмитент ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайта сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга топширишга ҳақли эмас».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 декабрь,  
ЎРҚ–232-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**532 «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 12 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда) **6-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Вазирларнинг ва давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.

Давлат бошқаруви органлари ҳайъатларининг аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари бошқарувларининг аъзолари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

**олтинчи қисм еттинчи қисм** деб ҳисоблансин.

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 17 декабрда эълон қилинган.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 16 декабрь,  
ЎРҚ-233-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**533** Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 12 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 17 декабрь,  
ЎРҚ-234-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 18 декабрда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**534** Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифини тасдиқлаш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 12 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 17 декабрь,  
ЎРҚ-235-сон

2009 йил 17 декабрдаги ЎРҚ-235-сонли  
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикасининг  
Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун мукофотланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан фуқаролар билан бир қаторда айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 18 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш, шунингдек уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шахсга белгиланган намунадаги тегишли ҳужжат топширилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғаси оладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи ва бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғаси мукофотланганнинг оиласига топширилади.

2009 йил 17 декабрдаги ЎРҚ–235-сонли  
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи ТАВСИФИ**

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи белгиланган намунадаги Фахрий ёрлиқнинг жилдга солинган бланкасида иборат.

Жилд яшил мармар рангли «бувинил» материалдан тайёрланган, қаттиқ ҳажмдор муковали, мураккаб коленкор билан қопланган. Жилд бичими 252,5 x 340 миллиметр.

Жилднинг юз томони қалинлиги 6 миллиметрли, ўлчами 225 x 310 миллиметрли, «куруқ блинт» усулида босилган рамка кўринишидаги нақш билан безатилган. Ич томони эса ўлчами 208 x 292 миллиметрли, зарвараққа «иссиқ блинт» усулида босилган бурчакдор нақшли рамкадан иборат.

Саҳифанинг юқори чеккасида 63 миллиметр масофада, горизонтал бўйича марказда диаметри 40 миллиметрли, уч хил (ок, мовий, яшил) рангли эмаль ва лок қопланган, тиллаҳал югуртирилган мис қотишмасидан тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлашган. Герб атрофига диаметри 53 миллиметрли ботиқ куруқ доира туширилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербидан 38 миллиметр пастда, марказда, зарвараққа ботиқ қиздирма тамға усулида туширилган матн икки сатрда жойлашган. Биринчи сатрда «O‘zbekiston Respublikasining» (бош ҳарф-

ларда, «Vivaldi» шрифти, 46-кегль), иккинчи сатрда «Faxriy yorlig'i» (бош ҳарфларда, «Vivaldi» шрифти, 84-кегль) сўзлари ёзилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи бланкаси 250 г/кв.м. қалинликдаги жилосиз силлиқ қоғоздан тайёрланади. Бланка бичими 330 x 496 миллиметр, букилганда эса 330 x 248 миллиметр, матн бир томонга босилади. Фон жозибадор очсарғиш, пастель тусда.

Қўш саҳифанинг ич тарафи бронза пастада босилган, бурчакларида безак элементлари бўлган ўлчами 295 x 470 миллиметрли рамка билан безатилган.

Қўш саҳифанинг ички чап тарафида, горизонтал бўйича марказда, юқори чеккадан 38 миллиметр масофада диаметри 40 миллиметрли рангли Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Гербнинг чап ва ўнг томонларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бир хилда хилпираб турган тарзда акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг пастки қисмидан 18 миллиметр масофада, саҳифа марказида бронза ранг матн икки сатрда жойлашган. Биринчи сатрда «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING» (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 27-кегль), иккинчи сатрда «FAXRIY YORLIG'I» (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 45-кегль) сўзлари ёзилган.

Чап саҳифанинг пастки чеккасида 24 миллиметр масофада, шохсупада, Хумо куши ва қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонида ўрнатилган Эзгулик аркасининг бир қисми — ер шари узра парвоз қилаётган, бунёдкорлик ва тинчлик рамзи бўлган лайлақлар акс эттирилган.

Ўнг саҳифада горизонтал бўйича марказда, юқори чеккадан 31 миллиметр масофада 40 x 57 миллиметр ўлчамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг штандарти тасвирланган. Штандартнинг чап ва ўнг томонларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бир хилда хилпираб турган тарзда акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти штандартининг пастки чеккасида 11 миллиметр масофада Хумо куши ва қуёш нурлари фонида тўқ зангори рангда «Vatanimiz taraqqiyotiga qo'shgan samarali hissasi hamda ijtimoiy-siyosiy hayotdagi faol ishtiroki uchun» матни уч сатрда жойлашган («Times TAD» шрифти, 24-кегль). Ушбу Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда ҳар бир алоҳида ҳолат учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармонга мувофиқ бўлган матндан фойдаланилади.

Матннинг пастки сатридан 29 миллиметр масофада, мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 16 миллиметрли иккита чизиқ тортилган.

Пастки чизикдан 19 миллиметр масофада, вертикал бўйича марказда матн уч сатрда жойлашган. Биринчи сатрда тўқ зангори рангда «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING» (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 26-кегль), иккинчи сатрда бронза-паста рангда «FAXRIY YORLIG'I» (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 40-кегль), учинчи сатрда тўқ зангори рангда «BILAN

MUKOFOTLANDI» (катта ҳарфларда, «Times TAD» шрифти, 24-кегль) сўзлари ёзилган.

Саҳифанинг пастки чеккасидан 55 миллиметр масофада, чап томонда тўқ зангори рангда «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI» матни икки сатрда жойлашган, ўнг томонда, симметрик тарзда Ўзбекистон Республикаси Президентининг исми биринчи ҳарфи ва фамилияси жойлашган (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 12-кегль).

Саҳифанинг пастки чеккасидан 40 миллиметр масофада мукофотлаш санасини ва Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлигининг тартиб рақамини қайд этиш учун иккита чизик тортилган.



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 536 Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 27 майдаги 112-сон қарорини бажариш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси самарали ташкил этилишини таъминлаш, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 апрелдаги 166-ф-сон фармойишига мувофиқ Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 471-уйда жойлашган бино (2-ётоқхона) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси балансига тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йилда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасидан ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган бинони мукамал таъмирлаш учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига 820 млн сўм ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши қўшилсин:

«Истисно ҳолларда Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин»; ўн учинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 9 декабрь,  
308-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**537** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш соҳасида самарали давлат назоратини ўрнатиш, улар ноқонуний айланишининг олдини олиш, пиротехника воситалари намоёйиш қилинадиган маданий-томоша тадбирлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чора-тадбирларини кучайтириш, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш вақтинча тақиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти пиротехника воситаларини ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш, айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишгача қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

3. Белгилансинки, барча пиротехника воситалари олиб қўйилиши ва кейинчалик белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, «Ўзсаноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда пиротехника воситаларини сақлаш ва йўқ қилиш жойларини белгиласинлар.

4. Бозорлар, савдо комплекслари ва корхоналарининг раҳбарлари ўз ҳудудларида пиротехника воситалари савдоси ва сақланиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишгача шахсан жавоб бериши тўғрисида қатъий огоҳлантирилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва «Ўзсаноатконтехназорат» давлат инспекцияси бир ой муддатда пиротехника воситалари айланиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашни жорий этишга доир таклифлар киритсинлар, лицензия талабгорларига ва лицензиатларга қўйиладиган аниқ лицензия талаблари ва шартларини назарда тутсинлар.

6. «Ўзстандарт» агентлиги бир ой муддатда пиротехника воситаларини

ишлаб чиқиш, сертификатлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда мажбурий бўлган хавфсизликнинг умумий талабларини белгилайдиган давлат стандартини тасдиқласин, шунингдек уларни хавфлилик даражаси бўйича таснифласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда пиротехника воситаларини ташиш, сақлаш ва уларни утиллаштириш қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига пиротехника воситаларининг ноқонуний айланиши учун жавобгарликни кучайтириш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўқувчилар ва ёшлар, уларнинг ота-оналари ўртасида пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришга доир чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари пиротехника воситаларининг ноқонуний айланиши ҳолатларини ёритсинлар, шунингдек ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

11. Ушбу қарорда назарда тутилган тадбирлар ташкил этилиши ва ижро этилиши учун жавобгарлик Ички ишлар вазирлиги (Матлюбов), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 10 декабрь,  
309-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**538 2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида**

Янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, ишлаб турган саноат корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ҳисобига Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, шунингдек шу асосда аҳолининг бандлигини ва даромадларини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қўқон шаҳрини саноат жиҳатидан ривожлантириш ҳамда уни ободонлаштириш ва инфратузилмасини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 19 октябрдаги Ф-3283-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Ишчи комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, Фарғона вилояти ва Қўқон шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари иштирокида ишлаб чиқилган 2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳри корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришнинг аниқ дастурини 1-иловага\* мувофиқ;

Қўқон шаҳри саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш дастурини 2-иловага\* мувофиқ;

Қўқон шаҳрининг истикболсиз саноат корхоналарини янги мулкдорларга жадал сотиш тадбирларини 3-иловага\* мувофиқ.

2. Ишчи комиссия (Р.С. Азимов)га белгиланган муддатларга мувофиқ ушбу қарор билан тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирлар самарали амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш функцияси юклансин.

3. Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилиши учун масъул бўлган Фарғона вилояти ва Қўқон шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари:

ўн кун муддатда Чора-тадбирлар дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳала-

---

\* 1 — 3-илловалар рус тилидаги матнда берилган.

рини амалга ошириш тармоқ жадвалларини белгиланган тартибда тасдиқла-синлар;

тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган параметрлар-га ва муддатларга мувофиқ корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва банкрот корхоналарни янги мулкдорларга жадал сотиш чора-тадбирлари сўзсиз бажарилишини таъминласинлар;

хар ойда Чора-тадбирлар дастурига киритилган тадбирлар бажарилиши мониторингини олиб борсинлар, тадбирларни сўзсиз ҳал этиш юзасидан зарур тезкор ва амалий чора-тадбирлар кўрсинлар;

хар чорақда Ишчи комиссияга Чора-тадбирлар дастурига киритилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида ахборот берсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича махсус идоралараро комиссия ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган лойиҳаларни белгиланган тартибда тегишли йилнинг Инвестиция дастурига ва Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ҳафта муддатда 3-иловага киритилган иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан белгиланган тартибда банкротлик тартиботини қўллаш ташаббуси билан чиқсинлар.

Олий ҳўжалик судига қарздор корхоналарни банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво аризаларини кўриб чиқишни ҳамда 3-иловада кўрсатилган ишламаётган, иқтисодий ночор ва эскирган асбоб-ускуналардан фойдаланаётган саноат корхоналари бўйича тугатиш ишини бошлашни жадаллаштириш тавсия қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, истисно тариқасида:

3-иловага киритилган саноат корхоналари банкрот деб эълон қилингандан кейин уларни мулкӣ комплекслар шаклида тижорат банклари ва инвесторларга сотиш, ишлаб чиқариш тиклангандан ҳамда корхоналар янги мулкдорларга сотилгандан кейин, кейинчалик қарзларни кредиторларга қайтарган ҳолда, савдо ўтказилмасдан инвестиция мажбурияти остида бепул бериш шартларида амалга оширилади;

инвентаризация, мол-мулк қийматини баҳолаш ҳамда банкрот корхоналарнинг мол-мулкни сотиб олувчи тижорат банклари ва инвесторлар билан шартномалар тузиш тугатиш иши бошланган пайтдан бошлаб уч ҳафта мобайнида амалга оширилади.

7. Ишчи комиссия (Р.С. Азимов)га ушбу қарор билан тасдиқланган 2010 — 2012 йилларда Қўқон шахрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастурига, зарурият бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазир-

ликлар ва идораларнинг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда тузатиш киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 11 декабрь,  
310-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**539 2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида**

Қўқон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенг ривожлантириш ҳамда шу асосда ички бозорни товар ва хизматлар билан тўлдиришни таъминлаш, янги иш ўринлари, шу жумладан саноат корхоналари билан кооперациялаш йўли билан касаначиликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қўқон шаҳрини саноат жиҳатидан ривожлантириш ҳамда уни ободонлаштириш ва инфратузилмасини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 19 октябрдаги Ф-3283-сон фармойишига мувофиқ тузилган Ишчи комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Фарғона вилояти ва Қўқон шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқлансин, Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

Қўқон шаҳрида саноат ишлаб чиқариши, хизматлар ва сервис соҳасида янги кичик бизнес корхоналари ташкил этиш параметрларини 1-иловага\* мувофиқ;

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

Қўқон шаҳрида хизматлар ва сервис соҳасида кичик бизнесни, шунингдек бандлик йўналишлари бўйича касаначиликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш параметрларини 2-иловага\* мувофиқ.

2. Қўйдагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 октябрдаги Ф-3283-сон фармойишига мувофиқ тузилган Ишчи комиссия (Р.С. Азимов)га вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар, маҳаллий ҳокимият органларининг ушбу қарор билан тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларни белгиланган муддатларга мувофиқ амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш функциялари;

Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи (Х.Х. Неъматов)га, Қўқон шаҳар ҳокими (Ш.У. Собиров)га ушбу қарорда белгиланган 2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури параметрларини сифатли ва ўз вақтида бажариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда таъминлаш юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

3. Қўқон шаҳар ҳокимлиги шаҳар корхоналари ва ташкилотлари, тижорат банклари билан биргаликда:

лойиҳаларнинг ташаббускорлари бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарур таъсис ҳужжатларини тайёрлашда, ер участкалари, турар жой бўлмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини ажратишда, шунингдек бизнесни ташкил этиш ва юриштиш учун зарур бўлган рўйхатдан ўтказиш тартиботларини амалга оширишда ҳар томонлама қўмақлашсин;

ушбу қарорга 2-иловага мувофиқ иш ўринлари ташкил этиш бўйича белгиланган параметрларнинг бажарилишини таъминлашга йўналтирилган касаначиликнинг турли шакллари, биринчи навбатда, саноат корхоналари билан кооперациялаш асосида кенгайтириш бўйича аниқ тадбирлар комплексини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Чора-тадбирлар дастурининг белгиланган параметрлари бажарилиши юзасидан мониторинг ташкил этсин, унинг натижаларини ҳар ойда кўриб чиқсин ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича зарур тезкор ва амалий чора-тадбирлар кўрсин;

2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастурининг бажарилиши тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин.

4. Тижорат банкларига Қўқон шаҳридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, энг аввало, бошланғич (дастлабки) капитални шакллантириш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш, замонавий асбоб-ускуналар ва мини-технологиялар сотиб олиш, айланма маб-

---

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

лағларни тўлдириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитлар ажратилишини таъминлаш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 11 декабрь,  
311-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**540 Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида**

Халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши муносабати билан, шунингдек ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш масалаларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ қайта кўриб чиқилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини бир ой муддатда, белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги



490-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбоши, шунингдек қарорга 3-илова-нинг 1-банди ва 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 11 декабрь,  
312-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **541 Тошкент шаҳрида Нагоя университетининг ваколат- хонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Илғор халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, олий таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Нагоя университети (Япония)нинг техник ҳамкорлик бўйича хорижий давлатнинг ҳукумат ташкилоти ваколатхонаси сифатида Тошкент шаҳрида Нагоя университети ваколатхонасини (кейинги ўринларда Ваколатхона деб юритилади) очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Япония Ҳукуматининг давлат грантлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини, олий ўқув юртлари талабалари ва битирувчиларини Япония олий ўқув юртларида ўқиш учун танлаш, йўллаш ва ўқишни ташкил этиш Ваколатхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Ваколатхона ва унинг чет эллик ходимлари белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилишини таъминласин;

Ваколатхона буюртманомалари бўйича Ваколатхонанинг чет эллик ходимларига, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу қарорнинг мақсад

ва вазифаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасига келётган делегация аъзоларига белгиланган тартибда кириш визалари расмий-лаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ваколатхона учун Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 107Б-уйда жойлашган Халқаро бизнес-марказда шартнома асосида жой ажратилишини таъминласин.

5. Ваколатхона фаолиятини молиялаштириш Нағоя университети маблағлари ҳисобига амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 декабрь,  
313-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**542 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш механизмини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 2 апрелдаги 94-сон қарорига мувофиқ ҳамда рақобатбардошли, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини, шу жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасида мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича махсус комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарори билан маъқулланган 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар,

бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига (кейинги ўринларда Маҳаллийлаштириш дастури деб аталади):

Маҳаллийлаштириш дастурининг 2а-иловасига Бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 1-иловага\* мувофиқ янги лойиҳаларини киритиш тўғрисидаги;

Маҳаллийлаштириш дастурининг 3а-иловасига Маҳсулотларнинг тайёр турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 2-иловага\* мувофиқ янги лойиҳаларини киритиш тўғрисидаги;

Маҳаллийлаштириш дастуридан корхоналарнинг тугатилганлиги, ички бозорда эҳтиёжнинг йўқлиги, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нархи ва сифати бўйича рақобатга бардошли эмаслиги сабабли 3-иловага\* мувофиқ лойиҳаларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарор билан Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширувчи корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ–1048-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзлар божхона тўловлари бўйича — ушбу қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, солиқлар бўйича эса — 2009 йил 1 декабрдан бошлаб қўлланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилик лойиҳанинг ташаббускорлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш юзасидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда прогноз ҳажмларини бажаришнинг тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 декабрь,  
314-сон

---

\* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**543** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари комплекси раҳбарининг мақоми ва вазифалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири лавозимини киритиш тўғрисида» 2009 йил 13 ноябрдаги ПҚ–1226-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари комплекси раҳбарининг мақоми ва вазифалари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 декабрь,  
315-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 15 декабрдаги 315-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари —  
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири —  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи  
иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва  
ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари комплекси  
раҳбарининг мақоми ва вазифалари тўғрисида  
НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири лавозимини киритиш тўғрисида» 2009 йил 13 ноябрдаги ПҚ-1226-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда янгидан жорий этилаётган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири лавозимининг мақоми ва вазифаларини белгилайди.

### **II. Мақоми ва вазифалари**

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзоси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми таркибига киради.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида бевосита иштирок этади. Ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари комплекси раҳбарлик қилади.

**5. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири асосий вазифалари ҳисобланади:**

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири лавозим вазифаларини сўзсиз бажариш;

ягона ташқи иқтисодий сиёсатнинг ўтказилишини, биринчи навбатда, ташқи савдо айланмасининг балансланганлигини кучайтириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, Ўзбекистон Республикасига товарлар ва хизматлар импорти ҳажмлари ва таркибини мақбуллаштириш бўйича таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи вазирликлар, идоралар, тижорат тузилмалари, компаниялар, уюшмалар, фирмалар, корхоналар ва ташкилотлар ишларининг мувофиқлаштирилиши ва келишилишини таъминлаш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар ва преференциялар яратиш;

мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ва жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг ўзгариши таҳлилидан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар, халқаро молия ва иқтисодиёт институтлари, хорижий компаниялар, фирмалар ва банклар билан ташқи иқтисодий ҳамда ташқи савдо ҳамкорлигининг устувор вазифалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз олдида турган стратегик вазифаларга эришиш ишларида ўтказилаётган ташқи иқтисодий сиёсатнинг ролини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш;

иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш;

ташқи савдо айланмаси таркибини янада мақбуллаштириш ва ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини чуқурлаштириш;

инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлари) лойиҳалари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, маълумотларнинг тизимлаштирилган банки шакллантирилишини ва юритилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар бошлиқларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган инвестиция ва ташқи савдо шартномалари мониторингини олиб бориш.

#### **6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири:**

Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади;

Идоралараро божхона — тариф Кенгаши (ИБТК)нинг, Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссиянинг, шунингдек бошқа комиссияларнинг ишларини бошқаради;

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш юзасидан таклифларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига мутасаддилик қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари

иштирокида хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, товарлар ва хизматлар экспорти бўйича белгиланган вазифаларни бажариш, ташқи савдо айланмасини кўпайтириш ва унинг таркибини мақбуллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари бўйича якуний ва мунтазам йиғилишлар ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига биноан республиканинг алоҳида олинган минтақаларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устувор вазифалари ва дастурларининг, иқтисодий ислохотларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўз тасарруфидаги масалалар бўйича топшириқларининг вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

### III. Жавобгарлиги

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **544** Иқтисодиётнинг реал сектори акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигини янада оширишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Иқтисодиётнинг реал сектори акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзағромашсервис» уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг:

1-иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирадиган акциядорлик жамиятларининг солиқлар бўйича қарзларининг тегишли суммаларини;

2-иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича «Ўзағромашсервис» уюшмаси корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратилган 24,9 млрд сўм миқдордаги кредитлар бўйича қарзларини айни бир вақтда ҳисоблаб ёзилган пеня бўйича қарзни ҳисобдан чиқарган ҳолда, таркибий ўзгартириш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав жамғармаларидаги давлат улушини сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. «Ўзағромашсервис» уюшмасининг 2-иловага мувофиқ акциядорлик жамиятлари учун 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳисоблаб ёзилган солиқлар бўйича қарзлари суммасини тўлаш муддати 2012 йил 1 январгача узайтирилсин.

3. Устав жамғармасида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларига ва давлат улуши хўжалик бирлашмаларининг устав жамғармаларига берилган акциядорлик жамиятларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквивалентда камида 400 минг АҚШ доллари суммасигача устав жамғармасининг шакллантирилмаган қисмини асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган захира жамғармаси ҳисобига тўлдиришга истисно тариқасида руҳсат берилсин.

Асосий фондларни қайта баҳолаш ҳисобига ҳосил бўлган, устав жамғармасини шакллантиришга йўналтирилган захира жамғармаси маблағлари суммасининг қайта баҳоланган тегишли асосий фондлар чиқиб кетганда солиқ солинадиган базага киритилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзағромашсервис» уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси 1-иловага киритилган акциядорлик жамиятларининг устав жамғармалари 2010 йил 1 январгача бўлган муддатда тўлиқ шакллантирилмаган тақдирда устав жамғармаси етишмаган қисмининг 2010 йил 15 февралгача 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра солиқлар бўйича қарзларнинг тегишли суммаси ҳисобига давлат улушини кўпайтириш йўли билан тўлдирилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази 1 ва 2-иловаларга киритилган акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар эмиссиясини йиғим ундирмасдан давлат рўйхатидан ўтказсин.

---

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.



6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 17 декабрь,  
316-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**545 Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050*

*(2009 йил 10 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сонли «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 5-сон, 18-модда) ва 2007 йил 27 июндаги 131-сонли «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 25-26-сон, 264-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 октябрь,  
107-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирининг  
2009 йил 13 октябрдаги 107-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан  
ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга  
ошириш тартиби тўғрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сонли «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 5-сон, 18-модда) ҳамда 2007 йил 27 июндаги 131-сонли «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 25-26-сон, 264-модда) қарорларига мувофиқ автоматотранспорт воситаларини (тиркамаларини, ярим тиркамаларини) (бундан кейинги ўринларда транспорт воситаси деб юритилади) қайта рўйхатдан ўтказиш (қайд этиш), шунингдек, уларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини қайта таъмирлаш ва алмаштириш тартибини белгилайди.

## **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**транспорт воситасининг эгаси (вакили)** — транспорт воситасининг мулкдори ёки қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва доирада транспорт воситасига эгалик қилувчи ёки ундан фойдаланувчи ёхуд уни тасаруф этувчи жисмоний ёки юридик шахс;

**яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари** — механик равишда деформацияланганлиги, кимёвий реагентлар таъсири остида бўлганлиги ёки юқори ҳароратда (термик) ишлов берилганлиги оқибатида ташқи кўринишини аниқлай олмаслик даражасида ўзгарган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари.

**қайта рўйхатдан ўтказиш (қайд этиш)** — тегишли юридик асослар мавжуд бўлганида транспорт воситаларини ҳисобга олишга доир маълумотлар ва ҳужжатларга ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш.

2. Мазкур Йўриқнома талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 131-сонли қарори билан жорий этил-

ган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарига татбиқ этилади.

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларига тегишли ҳарбий транспорт воситалари, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли тракторлар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар механизмлар, умумфойдаланиш йўлларида ишлатилмайдиган автомобиллар, шунингдек, трамвай, троллейбусларнинг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларига нисбатан қўлланилмайди.

## **II. Транспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш (қайд этиш)**

3. Транспорт воситалари қуйидаги ҳолларда қайта рўйхатдан ўтказилади (қайд этилади):

транспорт воситаси эгасининг яшаш жойи ўзгарганда;

ташкilotнинг номи, транспорт воситаси эгасининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда;

транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда;

транспорт воситаси қайта жиҳозланганда, унинг ранги ва рақамли агрегатлари ўзгарганда.

4. Транспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш (қайд этиш) Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимлари ёки туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимлари (бундан кейинги ўринларда РИБ (ТРИБ) деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

5. Мазкур Йўриқноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, транспорт воситасининг техник ҳолатидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар ўн кун мобайнида РИБ (ТРИБ)ларга мурожаат этишлари шарт.

## **III. Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини қайта тиклаш, шунингдек уларни бошқасига алмаштириш**

6. Транспорт воситаларининг яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини қайта тиклаш, шунингдек, уларни бошқасига алмаштириш РИБ (ТРИБ)лар томонидан амалга оширилади.

7. Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари таъмирланмайди.

Йўқотилган (ўғирланган), фойдаланиш жараёнида стандарт талабларига риоя этилмасдан бузилган ёки қасддан бузилган рўйхатдан ўтказиш дав-

лат рақами белгилари қайта тикланмайди. Уларнинг ўрнига янги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари берилади.

8. Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини қайта тиклаш, шунингдек, уларни бошқасига алмаштириш учун транспорт воситаларининг эгалари ёзма равишда РИБ (ТРИБ)ларга мурожаат қиладилар.

9. РИБ (ТРИБ) томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини қайта тиклаш бўйича мурожаатлари умумлаштирилади ҳамда бир ойда бир марта Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига буюртма расмийлаштирилади.

10. Буюртмага қуйидагилар илова қилинади:

қабул қилиш-топшириш далолатномаси;

яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари;

тегишли тўловни тасдиқловчи ҳужжат;

транспорт воситасининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги қайд этиш гувоҳномасининг нусхаси.

11. Буюртмалар асосида яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг Ихтисослаштирилган монтаж қилиш ва фойдаланиш бошқармаси ҳузуридаги «Ўзавтомобелги» шўъба корхонасида (бундан кейинги ўринларда шўъба корхона деб юритилади) қайта ишлаб чиқарилади. Буюртмалар шўъба корхонага келиб тушгандан кейин РИБ (ТРИБ)ларнинг вакили иштирокида мазкур Йўриқноманинг 10-бандида кўрсатилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари ҳамда ҳужжатлар текширилади. Тақдим этилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари намунасининг ҳақиқий ҳолати кўриб чиқилади. Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари йўқ қилинади ва бу ҳақда тегишли далолатнома тузилади.

12. Шўъба корхона томонидан рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини қайта тиклаш ўттиз кун мобайнида амалга оширилади.

13. Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари қайта тиклангандан сўнг, улар РИБ (ТРИБ)ларга тақдим этилади ва бу ҳақда Фойдаланишда бўлиб шикастланган ва яроқсиз ҳолга келиб қолган рўйхатга олиш давлат рақами белгиларини қайд этиш китобига ёзиб қўйилади.

14. Транспорт воситаларининг ҳар бир қайта тикланган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси электрон ҳисоб базасига киритилди ҳамда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва Ахборот марказига ҳисобот тақдим этилади.

15. Транспорт воситалари рўйхатга олинган кундан бошлаб ўттиз кун ичида ишлаб чиқариш камчилиги оқибатида рўйхатдан ўтказиш давлат ра-

қама белгилари яроқсиз холга келса, бундай рўйхатдан ўтказиш давлат рақама белгиларини қайта тиклаш тўловларсиз амалга оширилади.

Бошқа ҳолатларда тўлов асосида амалга оширилади.

16. Рўйхатдан ўтказиш давлат рақама белгиларини қайта тиклаш даврида транспорт воситаларига илгари фойдаланишда бўлган яроқли рўйхатдан ўтказиш давлат рақама белгилари вақтинча фойдаланишга берилади. Бу ҳақда Вақтинча ҳисобга олишни қайд этиш китобига белги киритилади. Транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига вақтинча фойдаланишга берилаётган рўйхатдан ўтказиш давлат рақама белгиларининг рақамлари, серияси ҳамда унинг амал қилиш муддати тўғрисида тегишли ёзув киритилади ҳамда РИБ (ТРИБ) муҳри билан тасдиқланади. Рўйхатдан ўтказиш давлат рақама белгилари вақтинча фойдаланишга берилганда тўлов ундирилмайди.

17. Қайта тикланган рўйхатдан ўтказиш давлат рақама белгиларини қабул қилиб олиш вақтида транспорт воситалари эгалари вақтинча фойдаланишга берилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақама белгиларини қайтардилар. Улар РИБ (ТРИБ)лар томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

#### IV. Яқуний қоида

18. Ушбу Йўриқнома талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**546** 2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2053*

*(2009 йил 24 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 мартдаги ПҚ–1081-сонли «Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2009 йил 3 июндаги ПҚ–1121-сонли «Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни амалга ошириш механизми тўғрисида»ги қарорларига, 2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. 2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 2 ноябрь,  
01-02/12-22-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири****Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 2 ноябрь,  
ЭГ-01/10-7233-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий  
алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги-  
нинг 2009 йил 2 ноябрдаги 01-02/12-22,  
ЭГ-01/10-7233-сонли қарорига  
ИЛОВА

**2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт  
минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли  
маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида  
Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб  
ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви  
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 мартдаги ПҚ–1081-сонли «Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2009 йил 3 июндаги ПҚ–1121-сонли «Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни амалга ошириш механизми тўғрисида»ги қарорлари, 2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси ва «PETRONAS Carigali Overseas Sdn. Bhd.» (Малайзия) ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид битимга мувофиқ ушбу битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви амалга ошириш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**МТБ** — 2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси ва «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» (Малайзия) ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли



маҳсулот тақсимотига оид битим, илова, шунингдек, ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга.

**Маркетинг келишувлар** — МТБнинг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси ва «PETRONAS CARIGALI (URGA) LTD» ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича маркетинг келишувлари.

**Сармоядор** — «PETRONAS CARIGALI (URGA) LTD», унинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарийлари билан бирга.

**Оператор** — МТБда назарда тутилган нефть-газ операцияларини бажаришни ташкил этиш учун тузилган ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган «PETRONAS Carigali (Urga) Operating Company LLC» компанияси.

**Ваколатли орган** — «Ўзбекнефтегаз» Миллий Холдинг Компанияси;

**Нефть-газ операциялари** — лойиҳалаштириш, товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш, баҳолаш, жойлаштириш, қазиб олиш, ишлатиш, қўзғатиш, дам бериб ҳайдаш, йиғиш, барқарорлаштириш, тозалаш (табiiй газни тайёрлашни қўшган ҳолда), қазиб чиқариш (шу жумладан, товар ҳолидаги олтингугуртни олиш) ва шартнома майдонида қазиб олинган углеводород ва олтингугуртни сақлаш, ортиш, юклаб жўнатиш, қайта ишлаш ва етказиладиган пунктга етказиб бериш ҳамда шартнома майдони билан боғлиқ тугатиш ва консервация қилиш операциялари бўйича барча фаолиятни, шунингдек, Йиллик иш дастурини бажаришни таъминлайдиган бошқа фаолиятни англатади.

**Пудратчи** — Сармоядор ва (ёки) оператор билан нефть-газ операциялари билан боғлиқ бўлган товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида битим тузган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс. Ушбу тушунча нефть-газ операциялари билан боғлиқ бўлган товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида пудратчи билан битимлар тузган субпудратчиларни ҳам ўз ичига олади.

**Товарлар** — МТБга асосан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган эркин муомалага чиқариш учун мўлжалланган товарлар ва қайтариладиган товарлар, шунингдек, МТБ доирасида экспорт қилиш мақсадида сармоядор ва (ёки) оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган табiiй газ.

**Эркин муомалага чиқариш учун мўлжалланган товарлар** — Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган материаллар, ускуналар, асбоблар, жиҳозлар ва қисмлар, ЁММ (ёқилғи-мойлаш материаллари), транспорт воситалари ва бошқа кўчар мулк, шунингдек, МТБ бўйича ишларни олиб бориш жараёнида ишлатиладиган моддий-техник ресурслар, лойиҳа ва техник ҳужжатлар.

**Қайтариладиган товарлар** — вақтинчалик олиб кириш божхона режимида жойлаштириладиган кейинчалик эса Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган материаллар, ускуналар, асбоб-

лар, жиҳозлар ва қисмлар, транспорт воситалари ва бошқа кўчар мулк, лойиҳа ва техник ҳужжатлар.

**Табиий газ** — шартнома майдонида ҳарорат ва босимнинг нормал шароитида (20° С ва 101,325 кПа) газ хусусияти ҳолатида қазиб олинадиган ҳамма углеводородлар, жумладан, углеводород конларининг пластик қоришмаларидан иборат бўлган суюқ углеводородларни экстракция ва сепарация қилишдан кейин қолган йўлакай газ ва қуруқ газ, бошқа углеводород маҳсулотлари бундан мустасно.

**Божхона юк декларацияси (БЮД)** — юридик аҳамиятга эга бўлган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилладиган ҳужжат.

**Агент** — «Ўзтрансгаз» АК, сармоядор ва ваколатли орган номидан табиий газни сотиш бўйича ваколатли вакил.

**Бошқарув кўмитаси** — МТБ доирасида ишларни бажариш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи ва МТБда санаб ўтилган функцияларга мувофиқ МТБни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳамда сармоядор ва ваколатли орган учун мажбурий бўлган қарорларни қабул қилувчи, сармоядор ва ваколатли орган вакилларида иборат таркибда доимий иш юритувчи орган.

Ушбу қоидаларда алоҳида тарифи келтирилмаган бошқа атамалар МТБда бундай атамалар учун келтирилган маънога эга бўлади.

## II. Товарларни олиб кириш ва тасарруф этиш

2. Сармоядор ва (ёки) оператор томонидан товарларни етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар белгиланган тартибда ваколатли банкда ва божхона органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

3. Сармоядор, оператор ва пудратчилар томонидан олиб кириладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви МТБнинг 20.1-моддасига мувофиқ қўйидаги хусусиятларни инобатга олиб, божлар, солиқ ва йиғимлар (божхона расмийлаштируви учун олинадиган йиғимлардан ташқари) ундирилмаган ҳолда амалга оширилади:

Сармоядор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ҳисоби божхона органлари томонидан сармоядорга берилган 00000021 кодига асосан юритилади;

Оператор ва пудратчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқ операторга берилган операторнинг КТУТ кодига асосан юритилади.

Сармоядорнинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарларига алоҳида код берилади.

4. Берилган имтиёзларнинг ҳисобини олиб бориш учун БЮД божхона тўловлари ҳисобга олинган ҳолда тўлдирилади.

5. Олиб кирилиши ваколатли органларнинг рухсатини олишни талаб қиладиган товарлар қонун ҳужжатлари ва МТБда белгиланган тартиб ва шартларда олиб кирилади.

6. Сармоядор ва (ёки) оператор нефть-газ операцияларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами, 2003 й., 11-сон, 124-модда) ва «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1318, 2004 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон, 103-модда) мувофиқ божхона омбори таъсис этиш ҳуқуқига эга.

7. Қайтариладиган товарлар олиб кириш мақсадидан келиб чиқиб, сармоядор ва (ёки) оператор ёки пудратчи томонидан қайд қилинган ва божхона органлари томонидан ўрнатилган муддатга вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирилади ва божхона юк декларацияси қўйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади:

24-устуннинг чап кичик бўлимида битимнинг коди «79» кўрсатилади;

44-устуннинг 3-бандида МТБнинг рақами ва имзолаш санаси, шунингдек, сармоядор ва (ёки) операторнинг жойлаштирилдиган товарларга тегишли хати кўрсатилади. Оператор томонидан тузилган шартномалар бўйича товарлар жойлаштирилган тақдирда, бундан ҳам уларнинг рақами ва имзолаш санаси кўрсатилади.

8. Қайтарилдиган товарларнинг вақтинча олиб кириш режимида божхона расмийлаштируви ва божхона назорати тегишли божхона органлари томонидан амалга оширилади.

9. Сармоядор ва (ёки) оператор ва (ёки) пудратчи вақтинчалик олиб кириш муддати тугагунига қадар қайтарилдиган товарларни қўйидаги усуллардан бири орқали тасарруф этиши керак:

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан уларни реэкспорт режимида олиб чиқиши;

белгиланган вақтинчалик олиб кириш муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин тегишли божхона органига ёзма мурожаатнома асосида уларнинг вақтинчалик олиб кириш муддатларини узайтириши;

қонун ҳужжатлари ва МТБда белгиланган тартибда эркин муомалага чиқариш режимига ёки бошқа режимга жойлаштириш тўғрисида мурожаат қилиши.

10. МТБнинг амал қилиш муддати давомида қайтарилдиган товарларни вақтинча олиб кириш муддатини БЮДда дастлаб кўрсатилган муддатдан ортиқ муддатга узайтириш божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги 399-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 33-сон, 372-модда) ва Вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1418, 2004 йил 14 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 444-модда) мувофиқ амалга оширилади.

11. Қайтариб олиб чиқилдиган қайтарилдиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қайд қилинган вақтинча олиб кириш режимига мувофиқ ушбу қайтарилдиган товарларни назоратга қўйган тегишли божхона органи томонидан амалга оширилади.

12. Эркин муомалага чиқариш учун мўлжалланган товарлар учун БЮД куйидаги хусусиятларни инобатга олиб тўлдирилади:

24-устуннинг чап кичик бўлимида битимнинг коди «79» кўрсатилади;

44-устуннинг 3-бандида МТБнинг рақами ва имзолаш санаси, шунингдек, сармоядор ва (ёки) операторнинг жойлаштирилладиган товарларга тегишли хати кўрсатилади. Оператор томонидан тузилган шартномалар бўйича товарлар жойлаштирилган тақдирда, бундан ҳам уларнинг рақами ва имзолаш санаси кўрсатилади;

«С» устуни оператор томонидан тузилган шартномалар бўйича товарлар жойлаштирилганда тўлдирилади.

13. Сармоядор ва (ёки) оператор ёки пудратчиларнинг эркин муомалага чиқариш учун мўлжалланган товарлари божхона омбори режимига жойлаштирилиши мумкин.

14. Божхона расмийлаштируви мақсадида сертификатланиши мажбурий бўлган, эркин муомалага чиқариш учун мўлжалланган товарларни сертификатлашдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 315-модда) ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификатланиши мажбурий бўлган товарларни (маҳсулотларни) олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 901, 2000 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 5-сон) белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Эркин муомалага чиқариш режимига жойлаштирилган товарлар сармоядор ва (ёки) оператор ёхуд пудратчининг аризасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига реэкспорт режимда Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1134, 2002 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 9-сон) билан белгиланган шартлар ва тартибларга амал қилган ҳолда олиб чиқилиши мумкин.

### **III. Табиий газнинг олиб чиқилиши**

16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига табиий газни олиб чиқиш қонун ҳужжатлари ва маркетинг келишуви талабларига мувофиқ экспорт божхона тартибда агент томонидан амалга оширилади.

17. Экспорт қилинаётган табиий газнинг божхона расмийлаштирилуви агент томонидан амалга оширилади. Экспорт қилинаётган табиий газ ҳажми ва нархи МТБ ва маркетинг келишуви қоидаларига ҳамда Қозоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтаётган МТБ доирасидаги табиий газ берилаётган Ўрта Осиё — Марказ ёки Бухоро — Урал газ қувурлари тизимининг газни ҳисобга олиш тижорат ўлчов тармоғида Ўзбекистон Республикаси чегараси — DAF (Инкотермс — 2000 ке-

йинги ўзгартишлар билан) шартларида табиий газ экспорти шартномаларининг шартларига мувофиқ белгиланади.

18. Экспертиза ўтказиш ва экспорт қилинаётган табиий газ учун маҳсулот келиб чиқувчи давлат сертификатининг берилиши Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ (рўйхат рақами 945, 2000 йил 13 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон), агентнинг аризаси бўйича амалга оширилади.

19. Қувурлар орқали ўтадиган табиий газни декларациялаш ва божхона расмийлаштируви икки босқичда амалга оширилади.

20. Биринчи босқичда: ҳар ойда, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан табиий газ ўтказилган ойдан аввалги ойнинг 20 санасидан кеч бўлмаган муддатда, агент божхона органига Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишга мўлжалланган ҳисобот ойидаги табиий газ ҳажми бўйича вақтинчалик (тўлиқсиз) божхона юк декларациясини (бундан кейинги ўринларда ВБЮД деб юритилади) ва қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

МТБ нусхаси (фақат дастлабки расмийлаштирувда тақдим этилади);

маркетинг келишувлар нусхаси (фақат дастлабки расмийлаштирувда тақдим этилади);

табиий газ экспорти бўйича шартнома;

божхона расмийлаштируви учун божлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши мўлжалланган табиий газ ҳажмига инвойс (ҳисоб-фактура);

ҳисобот ойида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказишга мўлжалланган табиий газнинг етказилиш давлати, оғирлиги, ҳажми, миқдори ва нархи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган агентнинг ҳисоб-китоб ҳужжати.

21. Табиий газнинг экспорти учун ВБЮД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 834, 1999 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) мувофиқ қўйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

а) 1-устуннинг учинчи кичик бўлимида «Декларация тури»да «ВД» — вақтинчалик (тўлиқсиз) божхона юк декларациясининг харфли индекси кўрсатилади;

б) 2-устунда «Жўнатувчи-экспортер»да агентнинг жойлашган жойи кўрсатилган ҳолда ваколатли орган ва сармоядор топшириғи бўйича агент кўрсатилади;

в) 9 ва 28-устунларда агентнинг реквизитлари кўрсатилади;

г) 24-устуннинг чап кичик бўлимида «Битим хусусияти»да битимнинг коди «79» кўрсатилади;

д) 29-устун «Чегарадаги божхона»да Ўрта Осиё — Марказ ёки Бухоро — Урал газ қувурлари тизимининг газни ҳисобга олиш тижорат ўлчов тармоғини назорат қилувчи божхона постининг номи ва коди кўрсатилади;

е) 31-устун «Юк жойлари ва товарларнинг баёни»да:

табиий газнинг етказиб берилиш календарь оyi ва йили кўрсатилиб, «\_\_\_\_\_ муддатда етказиб бериш» ёзуви киритилади;

табиий газнинг кўрсатилган муддатда олиб чиқилиши мўлжалланаётган лигидан келиб чиқиб, унинг тахминий ҳажмлари кўрсатилади;

ж) 44-устун «Кўшимча маълумот/тақдим этилаётган ҳужжатлар»да:

3-рақам остида олиб чиқиш учун асос сифатида МТБ, табиий газ экспорти шартномасининг рақами, санаси ва суммаси кўрсатилади;

8-рақам остида — агент ҳамда ваколатли орган ва сармоядор ўртасидаги топшириқ шартномасининг рақами ва санаси кўрсатилади;

з) 45-устун «Божхона нархи»да табиий газ экспорти шартномасининг шартлари асосида божхона чегараси орқали ўтказилиши мўлжалланаётган табиий газ ҳажмига мувофиқ аниқланадиган шартли божхона баҳоси қайд қилинади;

и) ВБЮДда қайд этилиши лозим бўлган бошқа маълумотлар табиий газнинг мўлжалланаётган ҳажмини ҳисобга олган ҳолда тахминий кўрсатилади.

Тўлиқ БЮДни расмийлаштиришда тақдим этиладиган ҳужжатларни талаб этадиган ВБЮДнинг устунлари тўлдирилмайди.

22. ВБЮД ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштируви БЮДни тақдим этиш орқали декларацияланадиган товарларга нисбатан қўлланиладиган тартибга мувофиқ божхона органи томонидан амалга оширилади. ВБЮДни рўйхатдан ўтказиш БЮДни рўйхатдан ўтказиш журналида амалга оширилади.

23. Иккинчи босқичда божхона органи томонидан ВБЮД қабул қилинадиган кунда амал қиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ БЮДнинг божхона расмийлаштирилуви амалга оширилади.

24. Тўлиқ БЮДнинг тақдим этиш муддати ВБЮДда кўрсатилган ҳисобкитоб даври тугашидан икки ойдан ошиб кетмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда (тўлиқ БЮДни тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тақдим этилиши асосланган сабабларга кўра кечикиши) БЮДни тақдим этиш муддати ҳудудий божхона органи бошлиғининг рухсати билан 30 кунгача узайтирилиши мумкин. Бунда агент божхона органига тўлиқ БЮДни тақдим этиш имкони мавжуд эмаслигининг сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилади.

БЮД билан бир вақтда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ВБЮД;

Ўзбекистон Республикаси газ транспорт компанияси ва оператор томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасида табиий газни қабул қилиш-топшириш далолатномаси;

агент ва харидор томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси бож-

хона чегарасида Табиий газни қабул қилиш-топшириш тижорат далолатномаси;

ҳисобот ойда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали амалда олиб ўтилган табиий газнинг ҳажмига инвойс (ҳисоб-фактура);

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали амалда ўтказилган табиий газни етказиб бериш давлати оғирлиги, миқдори ва нархи тўғрисидаги маълумотлар билан бирга ҳисобот ойда табиий газни етказиб бериш тўғрисидаги агентнинг маълумотномаси;

мувофиқлик сертификати;

Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1137, 2002 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 9-сон) келтирилган 3-иловага мувофиқ ваколатли банк томонидан бериладиган ҳисоб-китоблар маълумотномаси (маҳсулот тақсимотида оид битимларни амалга ошириш доирасида).

25. БЮД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 834, 1999 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) мувофиқ ВБЮД тўлдирилиши ва қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

40-устун «Умумий декларация/аввалги ҳужжат»да ВБЮДнинг маълумот рақами кўрсатилади;

Д-устунида «Божхона назорати» божхона органи ходими қўшимча равишда табиий газ етказиб берилган ойнинг охирги санасини қўяди, уни имзолайди, шахсий рақамли муҳр билан тасдиқлайди ва тўлиқ БЮДнинг электрон нусхасига киритади.

26. ВБЮДга берилган маълумот рақами БЮДга ҳам берилади, бунда улар бир-бирининг ажралмас қисми ҳисобланади.

27. БЮД ва ВБЮД кўрсатилган табиий газнинг амалда ўтказилганлиги тўғрисида декларация тўлдирувчи томонидан ҳужжатлар тақдим қилишда ВБЮДни қайта расмийлаштириш амалга оширилмайди.

Бунда, агар БЮДга мувофиқ божхона расмийлаштируви учун ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган сумма ВБЮД бўйича тўланган суммадан ошиқ бўлса, уларга қўшимча ҳақ тўланади. Божхона расмийлаштируви учун тўловларга қўшимча ҳақ божхона органи БЮДни қабул қилгунгача ёки бир пайтда амалга оширилади.

Агар БЮДга мувофиқ божхона расмийлаштируви учун ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган сумма ВБЮД бўйича тўланган суммадан кам бўлса, божхона расмийлаштируви учун ортиқча тўланган тўловларни қайтариш ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиш «Ортиқча тўланган ва ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги йўриқнома»га мувофиқ (рўйхат рақами 947, 2000 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, дав-

лат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон) амалга оширилади.

28. Агар ВБЮД бўйича ўтказилиши қайд қилинган табиий газнинг экспорт етказиб берилиши амалга оширилмаган бўлса, ВБЮД бекор қилинади. Бунда божхона расмийлаштируви учун тўланган тўловларни қайтариш «Ортиқча тўланган ва ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги йўриқнома»га мувофиқ (рўйхат рақами 947, 2000 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон) амалга оширилади.

#### **IV. Сармоядор, оператор, агент ва пудратчиларнинг мажбуриятлари**

29. Сармоядор, оператор, агент ва пудратчилар:

божхона органига олиб ўтилаётган товарларни кўрсатиш ва божхона органига уларни тегишли божхона режимда расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

божхона расмийлаштируви учун қонун ҳужжатларида белгиланган йиғимларни тўлаш;

қайтариладиган товарларни эркин муомалага чиқариш режимда расмийлаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона тўловларни тўлаш;

вақтинчалик олиб кириш муддатлари тугаганида қайтариладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ёки уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа божхона режимга қайта расмийлаштириш;

МТБнинг амал қилиш муддатлари тугаши бўйича эркин муомалага чиқариш божхона режимга расмийлаштирилган товарлардан фойдаланиш тўғрисида божхона органига якуний ҳисобот тақдим қилишга мажбурдирлар.

30. Товарларни олиб киришда пудратчи сармоядор ва (ёки) оператор ўртасида тузилган шартномалар шартларига мувофиқ ушбу қоидаларда назарда тутилган мажбуриятларни бажаради.

31. Ушбу қоидаларнинг 29-бандида назарда тутилган мажбуриятлар тузилган шартномаларга мувофиқ сармоядор, оператор ёки пудратчилар томонидан ваколат берилган шахслар томонидан бажарилиши мумкин.

32. Сармоядор, оператор ёки агент томонидан МТБ доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказилаётган товарларга нисбатан божхона расмийлаштируви учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун сармоядор жавобгар бўлади.

33. Пудратчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказилаётган товарларга нисбатан божхона расмийлаштируви учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун сармоядор ва (ёки) оператор билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ пудратчи жавобгар бўлади.



**V. Яқуний қоидалар**

34. Зарур ҳолларда оператор сармоядорнинг топшириғига биноан ва ваколатли орган билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига лойиҳа, техник, ҳисобот ҳужжатларини, ишлов бериш, анализ қилиш ва ўрганишни амалга ошириш мақсадида геолог-геофизик материалларни, геологик зотлар ва пластик флюидларнинг намуна ва нусхаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли божхона органига ёзма мурожаат қилиш орқали олиб чиқади.

35. Оператор сармоядорнинг топшириғига биноан ва ваколатли орган билан келишган ҳолда ёзувларнинг асл нусхалари ва бошқа маълумотларга ишлов бериш, анализ қилиш ва ўрганишни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиши мумкин. Сармоядор ва (ёки) оператор олиб чиқилган ёзувлар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиши керак.

36. Олиб кирилган товарларнинг белгиланмаган мақсадда ишлатилиши, шунингдек, уларни бошқа шахсларга бериш ҳолларида, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат бюджетига тўланиши керак бўлган барча тўловлар белгиланган тартибда ундирилади.

37. Ушбу қоидалар ваколатли орган ва сармоядор билан келишилган.

**«Ўзбекнефтегаз» МХК**  
**бошқарув раиси**

**У. НАЗАРОВ**

*2009 йил 25 октябрь*

**«PETRONAS Carigali**  
**(Urga) Ltd.» бошлиғи**

**И. НАДАРАДЖАХ**

*2009 йил 25 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI AДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**547** Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2054*

*(2009 йил 25 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 138-модда) ҳамда 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 113-модда) асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари ни иловага мувофиқ тасдиқлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

тасдиқланган статистик маълумотлар шакллари, 9 ва 10-шакллардан ташқари, адвокатлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тўлдирилиши;

статистик маълумотлар ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига тақдим қилиниши (ярим йиллик ва йиллик);

статистик маълумотлар ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5 кунига қадар қоғоз ҳамда электрон шаклларда тақдим қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари тақдим қилинган статистик маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини аниқлаш мақсадида уларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиши мумкинлиги;

статистик маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавобгарлик адвокатлик тузилмасининг раҳбари ва тегишли адвокатга, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига тақдим қилиниши учун жавобгарлик адвокатлик тузилмасининг раҳбарига юкланиши маъқуллансин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатига олинсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси

(Д. Саъдуллаев) ҳамда Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 декабрь,  
280-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирининг 2009 йил 15 декабрдаги  
280-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**20\_\_ йил «\_\_»\_\_\_\_\_ ҳолатига иш фаолияти тўғрисида  
СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР**  
(ярим йиллик / йиллик)

**СТАТИСТИЧЕСКИЕ ДАННЫЕ**  
**о деятельности на «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ года**  
(полугодовые / годовые)

Адвокатлик тузилмасининг тўлиқ номи \_\_\_\_\_

Полное наименование адвокатского формирования

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг реквизитлари \_\_\_\_\_

Реквизиты свидетельства о государственной регистрации

Почта манзили \_\_\_\_\_

Почтовый адрес

Телефон \_\_\_\_\_

Телефон

Статистик маълумотлар \_\_ вақда тайёрланган, қоғоз ва электрон шаклларда тақдим қилинмоқда.

Статистические данные составлены на \_\_\_\_\_ листах и представляются в бумажном и электронном видах.

<p><b>Статистик маълумотларни тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман</b> Достоверность и полноту статистических данных подтверждаю</p>	<p><b>Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармасининг ходими томонидан тўлдирилади</b> Заполняется сотрудником территориального управления Палаты адвокатов</p>	
<p><b>Раҳбар</b> _____ Руководитель (Ф.И.О.)</p>	<p><b>қўлма-қўл</b> _____ нарочно</p>	<p><b>почта орқали</b> _____ по почте</p>
<p><b>Имзо</b> _____ Подпись</p>	<p><b>Тақдим қилинган сана</b> _____</p> <p>Дата представления</p>	
<p><b>Сана</b> _____ Дата</p>	<p><b>Ходим</b> _____ Сотрудник (Ф.И.О.)</p>	<p><b>Имзо</b> _____ Подпись</p>
<p><b>М.Ў.</b> <b>М.П.</b></p>		

**Суриштирув, тергов ва суд ишига тегишли бўлмаган  
юримдик ёрдам (1-шакл)**

Юридическая помощь, не относящаяся к дознанию,  
следствию и и судопроизводству (форма 1)

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Оғзаки маслаҳат</b> Устная консультация	
2.	<b>шундан, битим (шартнома) бўйича ҳақ эвазига</b> из них, по соглашению (договору) за вознаграждение	
3.	<b>шундан, бепул</b> из них, бесплатно	
4.	<b>Ҳужжат тузилди</b> Составлено документов	
5.	<b>шундан, битим (шартнома) бўйича ҳақ эвазига</b> из них, по соглашению (договору) за вознаграждение	
6.	<b>шундан, бепул</b> из них, бесплатно	
7.	<b>Жисмоний ва юридик шахслар олдида вакиллик</b> Представительство перед физическими и юридическими лицами	
8.	<b>шундан, сарфланган ордерларнинг сони</b> из них, количество израсходованных ордеров	

**Жиноят процессида иштирок этиш (2-шакл)**

Участие в уголовном процессе (форма 2)

**1-§. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс)лар,  
иштирок этилган ишлар ва расмийлаштирилган  
ҳужжатлар сони**

§ 1. Количество доверителей (подзащитных), дел, в которых принималось участие, и оформленных документов

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)лар</b> Соглашения (договоры) об оказании юридической помощи	
2.	<b>Сарфланган ордерлар</b> Израсходованные ордера	
3.	<b>Иштирок этилган ишлар</b> Дела, в которых принималось участие	
4.	<b>Ҳимоя остидаги шахслар</b> Подзащитные	
5.	<b>Ишонч билдирувчи шахслар</b> Доверители	

**2-§. Ишда иштирок этишнинг бошланиши**

## § 2. Начало участия в деле

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Шахс ушланганида — ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб</b> При задержании лица — с момента фактического ограничения его права на свободу передвижения	
2.	<b>Шахс ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб</b> С момента задержания лица или объявления ему постановления о признании его подозреваемым	
3.	<b>Қамоққа олинган пайтдан бошлаб</b> С момента заключения под стражу	
4.	<b>Айб эълон қилинган пайтдан бошлаб</b> С момента предъявления обвинения	
5.	<b>Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллашида</b> При применении меры пресечения в виде заключения под стражу на стадии досудебного производства	
6.	<b>Биринчи инстанция суди</b> Суд первой инстанции	
7.	<b>Апелляция инстанцияси суди</b> Суд апелляционной инстанции	
8.	<b>Кассация инстанцияси суди</b> Суд кассационной инстанции	
9.	<b>Назорат инстанцияси суди</b> Суд надзорной инстанции	
10.	<b>Бошқа ҳолатларда</b> В иных случаях	

**3-§. Жиноят процессининг босқичларида иштирок этиш**

## § 3. Участие на стадиях уголовного процесса

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Суриштирув</b> Дознание	
2.	<b>Дастлабки тергов</b> Предварительное следствие	
3.	<b>Биринчи инстанция суди</b> Суд первой инстанции	
4.	<b>Апелляция инстанцияси суди</b> Суд апелляционной инстанции	
5.	<b>Кассация инстанцияси суди</b> Суд кассационной инстанции	

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
6.	Назорат инстанцияси суди Суд надзорной инстанции	

#### 4-§. Тайинлов бўйича ишда иштирок этиш

##### § 4. Участие в деле по назначению

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	Суриштирувчининг қарорига асосан На основании постановления дознавателя	
2.	Терговчининг қарорига асосан На основании постановления следователя	
3.	Суднинг ажримига асосан На основании определения суда	
4.	Жами Итого	
5.	Шундан (4 устундан), гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячидан воз кечиш билан боғлиқ тергов ҳаракатида Из них (4 столбец), в следственном действии, связанном с отказом подозреваемого, обвиняемого и подсудимого от защитника	

#### 5-§. Ишда вакил ва ҳимоячи сифатида иштирок этиш

##### § 5. Участие в деле в качестве представителя и защитника

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячиси Защитник подозреваемого, обвиняемого и подсудимого	
2.	Гувоҳнинг адвокати Адвокат свидетеля	
3.	Фуқаровий даъвогарнинг вакили Представитель гражданского истца	
4.	Фуқаровий жавобгарнинг вакили Представитель гражданского ответчика	
5.	Жабрланувчининг вакили Представитель потерпевшего	

**6-§. Жиноят турлари бўйича ишда иштирок этиш**

§ 6. Участие в деле по видам преступлений

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Шахсга қарши жиноятлар</b> Преступления против личности	
2.	<b>Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар</b> Преступления против мира и безопасности	
3.	<b>Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар</b> Преступления в сфере экономики	
4.	<b>Экология соҳасидаги жиноятлар</b> Преступления в сфере экологии	
5.	<b>Ҳокимият, бошқарув органлари ва жамоат бирлашмаларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар</b> Преступления против порядка функционирования органов власти, управления и общественных объединений	
6.	<b>Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар</b> Преступления против общественной безопасности и общественного порядка	
7.	<b>Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар</b> Преступления против порядка несения военной службы	

**7-§. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларида иштирок этиш**

§ 7. Участие в отдельных категориях уголовных дел

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Вояга етмаганларнинг жиноятларига оид ишлар</b> Дела о преступлениях несовершеннолетних	
2.	<b>Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга оид ишлар</b> Дела о применении принудительных мер медицинского характера	
3.	<b>Ярашув тўғрисидаги ишлар</b> Дела о примирении	

**8-§. Эришилган натижа**

§ 8. Достигнутый результат

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки тугатиш</b> Отказ в возбуждении или прекращение уголовного дела	
2.	<b>Реабилитация</b> Реабилитация	<b>иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса</b> отсутствует событие преступления



Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
	<b>қилмишда жиноят таркиби бўлмаса</b> отсутствует в деянии состав преступления	
	<b>содир этилган жиноятга дахли бўлмаса</b> непричастно к совершению преступления	
3.	<b>Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш</b> Прекращение уголовного дела без решения вопроса о виновности	
	<b>шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса</b> истекли сроки давности привлечения лица к ответственности	
	<b>эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса</b> совершенное преступление или лицо подпадает под действие акта амнистии	
	<b>айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса</b> наступила смерть обвиняемого, подсудимого	
	<b>шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса</b> в отношении лица имеется вступивший в законную силу приговор по тому же обвинению	
	<b>шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса</b> в отношении лица имеется вступившее в законную силу определение (постановление) суда или неотменное постановление правомочного должностного лица об отказе в возбуждении дела либо о прекращении дела по тому же обвинению	
	<b>иш фақат жабрланувчининг шикоятни билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно</b> отсутствует жалоба потерпевшего, если дело может быть возбуждено не иначе как по его жалобе, кроме случаев, предусмотренных статьей 325 Уголовно-процессуального кодекса	
	<b>шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиний жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса</b> лицо, к моменту совершения общественно опасного деяния, не достигло возраста, с которого возможна уголовная ответственность	
4.	<b>Айбланувчи қилмишларининг тавсифини унинг фойдасига ўзгартириш</b> Изменение квалификации деяния обвиняемого в его пользу	
5.	<b>Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўллаш</b> Применение наказания, не связанного с лишением свободы	
6.	<b>Енгилроқ жазо тайинлаш</b> Назначение более мягкого наказания	
7.	<b>Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши</b> Изменение или отмена меры пресечения в виде заключения под стражу	
8.	<b>Иш қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилган</b> Дело возвращено на дополнительное расследование	

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
9.	<b>Оқлов ҳукми чиқарилган</b> Вынесен оправдательный приговор	
10.	<b>Ҳукм бекор қилиниши ёки апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳимоя остидаги шахснинг фойдасига ўзгартирилиши</b> Приговор отменен или изменен в пользу подзащитного в апелляционном, кассационном или надзорном порядке	

### **Фуқаролик процессида иштирок этиш (3-шакл)**

Участие в гражданском процессе (форма 3)

#### **1-§. Ишонч билдирувчи шахслар, иштирок этилган ишлар ва расмийлаштирилган хужжатлар сони**

§ 1. Количество доверителей, дел, в которых принималось участие, и оформленных документов

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)лар</b> Соглашения (договоры) об оказании юридической помощи	
2.	<b>Сарфланган ордерлар</b> Израсходованные ордера	
3.	<b>Иштирок этилган ишлар</b> Дела, в которых принималось участие	
4.	<b>Ишонч билдирувчи шахслар</b> Доверители	

#### **2-§. Фуқаролик процессининг bosқичларида иштирок этиш**

§ 2. Участие на стадиях гражданского процесса

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Биринчи инстанция суди</b> Суд первой инстанции	
2.	<b>Апелляция инстанцияси суди</b> Суд апелляционной инстанции	
3.	<b>Кассация инстанцияси суди</b> Суд кассационной инстанции	
4.	<b>Назорат инстанцияси суди</b> Суд надзорной инстанции	

**3-§. Ишда вакил сифатида иштирок этиш****§ 3. Участие в деле в качестве представителя**

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Даъвогар</b> Истец	
2.	<b>Жавобгар</b> Ответчик	
3.	<b>Мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар</b> Третьи лица, заявляющие самостоятельные требования	
4.	<b>Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар</b> Третьи лица, не заявляющие самостоятельных требований	
5.	<b>Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан ариза ёки шикоят билан мурожаат қилган шахс</b> Лицо, обратившееся с заявлением или жалобой на действия (решения) государственных и иных органов, а также должностных лиц	
6.	<b>Аризачи (даъвогар), ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс, давлат бошқаруви органи</b> Заявитель (истец), заинтересованное в исходе дела лицо, орган государственного управления	

**4-§. Ишларнинг турлари бўйича иштирок этиш****§ 4. Участие по видам дел**

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Даъво ишлари</b> Исковое производство	
2.	<b>Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича ишлар</b> Производство по жалобам и заявлениям на действия (решения) государственных и иных органов, а также должностных лиц	
3.	<b>Алоҳида тартибдаги ишлар</b> Особое производство	

**5-§. Эришилган натижа****§ 5. Достигнутый результат**

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган</b> Иск полностью или частично удовлетворен	

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
2.	<b>Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган</b> Жалоба на действия (решения) государственных и иных органов, а также должностных лиц полностью или частично удовлетворена	
3.	<b>Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар бўйича ариза тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган</b> Заявление по делам, рассматриваемым судом в порядке особого производства, удовлетворено	
4.	<b>Қарор бекор қилинган ёки апелляция, кассация ёки назорат тартибида ишонч билдирувчи шахс фойдасига ўзгартирилган</b> Решение отменено или изменено в пользу доверителя в апелляционном, кассационном или надзорном порядке	

### **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларда иштирок этиш (4-шакл)**

Участие в делах об административных правонарушениях (форма 4)

#### **1-§. Ишонч билдирувчи шахслар, иштирок этилган ишлар ва расмийлаштирилган ҳужжатлар сони**

§ 1. Количество доверителей, дел, в которых принималось участие, и оформленных документов

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)лар</b> Соглашения (договоры) об оказании юридической помощи	
2.	<b>Сарфланган ордерлар</b> Израсходованные ордера	
3.	<b>Иштирок этилган ишлар</b> Дела, в которых принималось участие	
4.	<b>Ишонч билдирувчи шахслар</b> Доверители	

#### **2-§. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларда иштирок этиш**

§ 2. Участие в делах об административных правонарушениях

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда</b> В рассмотрении дел об административных правонарушениях	

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
2.	<b>Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят беришда</b> В обжаловании постановления по делу об административном правонарушении	
3.	<b>Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоятни кассация инстанцияси судида кўриб чиқишда</b> В рассмотрении жалобы на постановление по делу об административном правонарушении в суде кассационной инстанции	

### 3-§. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турлари бўйича иштирок этиш

§ 3. Участие по видам административных правонарушений

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения, посягающие на права и свободы граждан	
2.	<b>Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения в области охраны здоровья населения	
3.	<b>Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар</b> Административная ответственность за правонарушения, посягающие на собственность	
4.	<b>Табий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения в области охраны природной среды и природопользования	
5.	<b>Саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения в промышленности, строительстве и области использования тепловой и электрической энергии	
6.	<b>Қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарликлар, ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения в сельском хозяйстве, нарушения ветеринарно-санитарных правил	

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
7.	<b>Транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения на транспорте, в области дорожного хозяйства и связи	
8.	<b>Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар</b> Административная ответственность за правонарушения в области жилищных прав граждан, коммунального обслуживания и благоустройства	
9.	<b>Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения в области торговли, предпринимательской деятельности и финансов	
10.	<b>Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения, посягающие на правосудие	
11.	<b>Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения, посягающие на общественный порядок	
12.	<b>Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик</b> Административная ответственность за правонарушения, посягающие на установленный порядок управления	

#### 4-§. Эришилган натижа

##### § 4. Достигнутый результат

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Енгилроқ маъмурий жазо чорасининг қўлланилиши</b> Применение более мягкого административного взыскания	
2.	<b>Маъмурий жавобгарликдан озод этиш</b> Освобождение от административной ответственности	
3.	<b>Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган</b> Жалоба на постановление по делу об административном правонарушении полностью или частично удовлетворена	
4.	<b>Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан берилган шикоят кассация инстанцияси судида тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган</b> Жалоба на постановление по делу об административном правонарушении полностью или частично удовлетворена в суде кассационной инстанции	

**Хўжалик процессида иштирок этиш (5-шакл)**

Участие в хозяйственном процессе (форма 5)

**1-§. Ишонч билдирувчи шахслар, иштирок этилган ишлар ва расмийлаштирилган ҳужжатлар сони**

§ 1. Количество доверителей, дел, в которых принималось участие, и оформленных документов

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)лар</b> Соглашения (договора) об оказании юридической помощи	
2.	<b>Сарфланган ордерлар</b> Израсходованные ордера	
3.	<b>Иштирок этилган ишлар</b> Дела, в которых принималось участие	
4.	<b>Ишонч билдирувчи шахслар</b> Доверители	

**2-§. Хўжалик процессининг босқичларида иштирок этиш**

§ 2. Участие на стадиях хозяйственного процесса

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Биринчи инстанция суди</b> Суд первой инстанции	
2.	<b>Апелляция инстанцияси суди</b> Суд апелляционной инстанции	
3.	<b>Кассация инстанцияси суди</b> Суд кассационной инстанции	
4.	<b>Назорат инстанцияси суди</b> Суд надзорной инстанции	

**3-§. Эришилган натижа**

§ 3. Достигнутый результат

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган</b> Иск полностью или частично удовлетворен	
2.	<b>Қарор бекор қилинган ёки апелляция, кассация ёки назорат тартибида ишонч билдирувчи шахс фойдасига ўзгартирилган</b> Решение отменено или изменено в пользу доверителя в апелляционном, кассационном или надзорном порядке	

**Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс)лар,  
иштирок этилган ишлар ва расмийлаштирилган  
ҳужжатлар жами (6-шакл)**

Общее количество доверителей, дел, в которых принималось участие, и оформленных документов (форма 6)

Т/р №	Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Жами Всего
I	II	III
1.	<b>Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)лар (1-шакл 2, 5-устунлари ва 2 — 5-шаклларнинг 1-§ 1-устунларининг йиғиндиси)</b> Соглашения (договоры) об оказании юридической помощи (совокупность 2, 5 столбцов формы 1 и 1 столбца § 1 форм 2 — 5)	
2.	<b>Сарфланган ордерлар (1-шакл 8-устуни 2 — 5-шакллар 1-§ 2-устунларининг йиғиндиси)</b> Израсходованные ордера (совокупность 8 столбца формы 1 и 2 столбца § 1 форм 2 — 5)	
3.	<b>Иштирок этилган ишлар (1-шакл 7-устуни, 2 — 5-шакллар 1-§ 3-устунларининг йиғиндиси)</b> Дела, в которых принималось участие (совокупность 7 столбца формы 1 и 3 столбца § 1 форм 2 — 5)	
4.	<b>Ишонч билдирувчи шахслар (2-шакл 5-устуни, 3 — 5-шакллар 1-§ 4-устунларининг йиғиндиси)</b> Доверители (совокупность 5 столбца формы 2 и 4 столбца § 1 форм 3 — 5)	



**Юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга  
кўрсатилган юридик ёрдам (7-шакл)**

Юридическая помощь, оказанная юридическим лицам и  
индивидуальным предпринимателям (форма 7)

Т/р №	Юридик ёрдамнинг тури Вид юридической помощи	Тижорат ташкилот- лар Коммерчес- кие орга- низации		Нотижорат ташкилотлар Некоммерчес- кие организации		Якка тартибдаги тадбиркорлар Индивидуаль- ные пред- приниматели	Жами Всего
		давлат государственные	нодавлат негосударственные	давлат государственные	нодавлат негосударственные		
1.	<b>Шартномалар (келишувлар, контрактлар) бўйича ҳуқуқий хулосалар берилди</b> Даны правовые заключения по договорам (соглашениям, контрактам)						
2.	<b>Шартномалар (келишувлар, контрактлар) лойиҳалари тайёрланди</b> Подготовлены проекты договоров (соглашений, контрактов)						
3.	<b>Локал ҳужжатлар тайёрланди</b> Подготовлены локальные документы						
4.	<b>Шартномалар (келишувлар, контрактлар) бўйича эътирозномалар тайёрланди</b> Подготовлены претензии по договорам (соглашениям, контрактам)						
5.	<b>Шартномалар (келишувлар, контрактлар) бўйича ҳўжалик судларига даъво аризалар тайёрланди</b> Подготовлены исковые заявления в хозяйственные суды по договорам (соглашениям, контрактам)						
6.	<b>Бошқа</b> Иное						

**Ҳуқуқий тарғибот (8-шакл)**  
 Правовая пропаганда (форма 8)

Ҳуқуқий тарғибот йўналиши Направление правовой пропаганды	Оммавий ахборот воситалари орқали В средствах массовой информации				Оғзаки Устно				Ёзма Письменно			Кўргазмалари Показательно		Жами Всего	
	телевидение телевидение	радио радио	газета газета	журнал журнал	маъруза лекция	«давра суҳбаги» «круглый стол»	семинар семинар	илмий-амалий конференция научно-практическая конференция	дарслик учебник	ўқув-ўқувчи кўланма учебно-методическое пособие	рисола брошюра	тўпламларга киритилган маъруза ва мақолалар лекции и статьи, включенные в сборники	плакатлар плакаты		буклетлар буклеты
Адвокатура Адвокатура															
Жиноят ҳуқуқи Уголовное право															
Фуқаролик ҳуқуқи Гражданское право															
Маъмурий ҳуқуқ Административное право															
Хўжалик ҳуқуқи Хозяйственное право															
Жиноят-процессуал ҳуқуқи Уголовно-процессуальное право															
Фуқаролик процессуал ҳуқуқи Гражданское процессуальное право															
Хўжалик-процессуал ҳуқуқи Хозяйственное процессуальное право															
Бошқа Иное															

**Адвокатлар палатасига кириш ва аъзолик бадаллари (9-шакл)**  
 Вступительные и членские взносы в Палату адвокатов (форма 9)

Адвокатнинг Ф.И.О. Ф.И.О. адвоката	Тўловнинг миқдори Сумма платежа		Тўловнинг санаси Дата платежа		Тўловни тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари Реквизиты документа, подтверждающие го платеж		Тўловнинг даври (ойи) Период (месяц) платежа	Бадаллар бўйича қарздорлик Задолженность по платежам
	Кириш бадали Вступительный взнос	Аъзолик бадали Членский взнос	Кириш бадали Вступительный взнос	Аъзолик бадали Членский взнос	Кириш бадали Вступительный взнос	Аъзолик бадали Членский взнос		

**Ходимлар таркиби (10-шакл)**  
Состав кадров (форма 10)

Умумий сони Общее количество	Адвокат Адвокат		Адвокат стажёри Стажер адвоката		Адвокат ёрдамчиси Помощник адвоката		Малакасини оширган адвокат Адвокат, повысивший квалификацию	Адвокатнинг ёши Возраст адвоката			Илмий даражага эга адвокат Адвокат, имеющий научную степень	
	аёл женщина	эркак мужчина	аёл женщина	эркак мужчина	аёл женщина	эркак мужчина		30 гача до 30	30 — 40 30 — 40	40 — 50 40 — 50		50 дан юқори более 50

**Илмий, педагогик, шунингдек,  
Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий  
бошқармаларида фаолият билан  
шугулланаётган адвокатлар**  
Адвокаты, занимающиеся научной,  
педагогической деятельностью, а также  
деятельностью в Палате адвокатов и ее  
территориальных управлениях

Ушбу адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

**Адвокатлар палатаси  
раиси в.б.**

2009 йил 15 декабрь

**Р. АХМЕДОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**548 Қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1396-2*

*(2009 йил 25 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 15 июлдаги 2004-16-сон буйруғи билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1396, 2004 йил 6 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 31-сон, 361-модда) иловага\* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 ноябрь,  
2009-45-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА  
ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 549 2010 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2055*

*(2009 йил 27 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 219-модда) 6-моддаси асосида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2010 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 164-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор билан тасдиқланаётган давлат статистика ҳисоботларининг йиллик шакллари — 2009 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий ҳисобот шакллари — 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсин.

3. 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4-сонли «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1880, 2008 йил 13 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 51-сон, 506-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Раис**

**Ғ. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 16 ноябрь,  
4-сон

---

\* 1 — 164-иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**550 Табиий тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб  
чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини  
тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2056*

*(2009 йил 28 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги 267-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Табиий тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир в.б.**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 12 ноябрь,  
68-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирининг 2009 йил 12 ноябрдаги  
68-Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Табиий тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб  
чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ табиий тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар табиий тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб чиқариш ташкилотларига (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар ишлаб чиқариш биноларини ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, цехларни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.

3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

## II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблари

### 1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

6. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чиқиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.



7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 ва ундан ортиқни ташкил қилувчи ташкилотларда махсус тайёргарликдан ўтган шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил қилинади. Ходимлар сони 50 дан кам бўлган ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш ташкилот раҳбарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

8. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларига ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш ва ушбу ишлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш қиради.

9. Ташкилотларда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ишчи ва хизматчилар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

хар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқ-номалари.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига қўра ташкилотнинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунди ҳамда ташкилотнинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

11. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятларига киритилмаган ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

12. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

**2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг  
билимларини синовдан ўтказиш ишларини  
ташкил этиш**

13. Ташкилотларнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимлари синовдан ўтказилиши лозим.

14. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

**3-§. Ўта хавфли касблар ва ишлар рўйхати**

15. Ташкилот ўта хавфли шароитда бажариладиган касблар ва ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олинishi лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сизимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

16. Ўта хавфли ишларга фақат махсус ўқитилган, ушбу ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлган ходимлар қўйилади.

17. Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажариш топширигини олишдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ олиши ва ишларни хавфсиз бажариш усулларини ўзлаштириб олиши шарт.

18. Ўта хавфли ишларни бажариш, фақат белгиланган тартибда масъул ходим қўл қўйиб расмийлаштирилган махсус наряд-рухсатномага мувофиқ амалга оширилиши лозим.

19. Ташкилот (цех) раҳбарияти ўта хавфли ишларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва хавфсиз бажаришда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилишига тўла жавобгардирлар.

**4-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари**

20. Ходимлар хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ишчиларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим.

21. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг хавфли ҳамда зарарли омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроиқлим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнатнинг оғирлиги иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиш орқали тасдиқланиши лозим.

22. Ҳар битта ташкилот ёки алоҳида ишлаб чиқариш хавфли ва зарарли меҳнат шароитларга эга бўлган касблар, иш ўринлари ва худудларининг Санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ зарарлилик ва хавфлилик синфи кўрсатилган рўйхатига ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг зарарлилик ва хавфлилик кўрсаткичлари, меҳнат жараёнининг оғирлик кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларининг амалдаги гигиеник таснифига эга бўлиши лозим.

23. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёхуд янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда рўйхатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

#### **5-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш**

24. Ташкилотларда зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки уларни бартараф этиш учун жамоа ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари қўлланилиши лозим.

25. Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар кирди:

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик электр, ускуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

26. Якка тартибдаги ҳимоя воситалари қуйидаги турларга бўлинади:

махсус кийим-кечак;

махсус пойабзал;

махсус бош кийими;

нафас аъзоларининг ҳимоя воситалари;

қўлни ҳимоялаш воситалари;

бош учун ҳимоя воситалари;

юзни ҳимоялаш воситалари;

эшитиш аъзоларини ҳимоя қилиш воситалари;

кўзни ҳимоя қилиш воситалари.

27. Ташкилот маъмурияти ходимларни белгиланган меъёрларга мувофиқ, керакли якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлаши, улардан фойдаланиш муддатларига ҳамда сақлаш, ювиш, тозалаш ва таъмирлаш бўйича зарурий шартларига риоя қилинишини таъминлаган ҳолда якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бериш ҳисобини юритиши шарт.

### 6-§. Касбий танлов

28. Ташкилотларда касбига кўра танлов ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

29. Ташкилот мутахассислари, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

30. Босим остида ишловчи ускуналар ва хавфи юқори бўлган бошқа ишларда хизмат кўрсатувчи ходимлар махсус курсларда тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномага эга бўлиши шарт.

31. Хавфли ишларга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

32. «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишлар рўйхати»га (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

33. «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмайди.

### 7-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

34. Ташкилот раҳбарияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

35. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) асосида амалга оширилиши лозим.

Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

36. Тиббий кўриклар ташкилотнинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

37. Ташкилот раҳбарияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса

далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

38. Даврий тиббий кўриклар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва тавсияларнинг бажарилиши учун жавобгарлик ташкилотнинг маъмурияти зиммасига юкланади.

39. Ходим тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда, ташкилот раҳбарияти ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

### **8-§. Ташкилот майдонларига бўлган хавфсизлик талаблари**

40. Ташкилот майдонлари ва биноларни жойлашуви СанМваҚ II-89-80 «Саноат ташкилотларини бош плани»га мос бўлиши керак.

41. Ташкилотда транспорт воситаларини ва пиёдаларни ташкилот ҳудудида ҳаракатланиш чизмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

Транспорт воситалари ва ташкилот ҳудудида пиёдаларнинг ҳаракати чизмаси ташкилотга кириш ва чиқиш, ҳамда иш участкалари ва цехларнинг кўринарли жойларига осиб қўйилиши керак.

42. Ташкилотда автотўллар ёки пиёда йўлчалари билан туташган ички ташкилот темир йўллари учрашган жойларда автотўллар ва пиёдалар учун ўтиш йўллари бўлиши лозим.

43. Ташкилот майдонлари кўкаламзорлаштирилган ва сув қўйиш қувурлари тармоқлари билан таъминланган бўлиши керак.

44. Ташкилот майдонидаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сувлар оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозлангани бўлиши керак.

45. Йилнинг ёз вақтида йўлчалар ва ўтиш жойларига сув сепилган, қишда қордан тозаланиб, қум сепилган бўлиши керак.

46. Ташкилотларда ҳаракатланувчи темир йўл составларини интенсив ҳаракатланишига ўтиш жойлари автоматик сигнал билан таъминланиши лозим.

### **9-§. Бино ва иншоотларга бўлган хавфсизлик талаблари**

47. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарни (ҳарорати, нисбий намлиги, ҳавони ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар) микроиқлими ГОСТ 12.1.005-88 талабига жавоб бериши керак.

48. Хўл жараёнлардаги хоналарда, ҳамда иссиқ ўтказувчи полларда (бетонли, ғиштли, плитали ва бошқалар) мунтазам ишловчи ишчи жойларида ёғоч тўшамалар ва панжаралар ётқизилган бўлиши керак.

Пол тўшамалари зарарли моддалар, ишлаб чиқаришдаги кирлар ва чанглардан энгил тозаланишни таъминлаши керак.

49. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари СанМваҚ 2.09.02-85 «Ишлаб чиқариш бинолари» талабига мос келиши керак.

50. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ҚМҚ 2.09.04-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва маиший бинолари» талабига мос келиши лозим.

51. Бинога транспорт воситаларини кириш жойлари дарвозалар ва сигнал асбоб-ускуналари билан таъминланган бўлиши лозим.

52. Дарвоза тавақалари ёпиқ ва очиқ ҳолатида махсус мосламалар мустақкам ўрнатилган бўлиши керак.

53. Автомобиль транспортини бинога кириши учун дарвоза эни фойдаланилаётган автомобиллар эни миқдоридан ошиқ бўлиши керак.

54. Дарвозалар баландлиги транспорт воситасининг баландлигидан камида 0,2 м дан ошиқ бўлиши керак.

55. Барча ташкилотларда бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш ва ҳолатини мунтазам кузатиш ташкил этилган бўлиши керак.

56. Барча ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари бир йилда икки мартадан (бахор ва кузда) кам бўлмаган ҳолда ташкилот раҳбари тайинланган комиссия томонидан техник кўриқдан ўтказилиши лозим. Кўриқ ҳулосалари, улардан топилган нуксонларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ва муддати кўрсатилган далолатномалар орқали расмийлаштирилиши керак.

57. Ходимлар учун хавф туғдирувчи ҳалокат тусидаги бузилишлар тезда бартараф этилиши керак. Ҳалокатни бартараф этилгунча ишлаб чиқариш жараёнлари хавфли ҳудудларда тўхталиши лозим, хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсиз жойга кўчирилиши керак.

### **10-§. Шамоллатиш ва иситиш тизимига қўйиладиган талаблар**

58. Шамоллатиш ва иситиш ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабини қониқтириши лозим.

59. Оқимли шамоллатишларни ташқи ҳаво тизимидан олиш ердан камида 2 м баландликда бажарилиши лозим.

60. Ўтиш жойларида (галереяларда, зиналар майдончаларида ва шунга ўхшаш) жойлашган иситиш жиҳозлари (кувурлар, регистрлар ва шунга ўхшашлар), рухсат этилган ўтиш йўлкаларини энини камайтирмаслиги керак.

61. Ишчи жойларига очиқ дарвоза, эшик ёки технологик тешиқдан келувчи ҳаво ҳарорати йилнинг совуқ даврида енгил жисмоний ишда 21° С, ўрта оғир ишда 17° С, оғир ишда 16° С дан паст бўлмаслиги керак.

62. Ходимларни исиниши учун хоналарда ҳаво ҳарорати 22° С дан кам бўлмаслиги керак.

63. Биноларда жойлашган ишчи майдонларидан, ходимларни исиниш хоналаригача бўлган масофа 75 м, ташкилот майдонидаги ишчи жойларидан 150 м дан кўп бўлмаслиги керак.

### 11-§. Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган талаблар

64. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 «Биноларни ички сув қузури ва канализацияси» талабига мос келиши керак.

65. Ташкилотни ишлаб чиқариш оқова сувлари, ташқи канализацияга етиб келгунча зарарли моддалардан тозаланиши керак.

66. Тозалангандан сўнг сувда зарарли моддаларни таркиби саноат ташкилотларини лойихалаштириш санитар нормалари ўрнатган, чегараланган рухсат этилган концентрациясидан ошиб кетиши керак эмас.

67. Ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув қузурига уланган фаввора-чалар бўлиши керак. Сув қувурлари йўқ бўлганда бакларда қайнатилган сув бўлиши лозим.

68. Иссиқ ва қолиплаш цехларида, буғлантириш камералари бўлинмаларида ва қозонхоналардаги ишчилар сменада, таркибида 0,5% гача туз бўлган, бир кишига 4-5 л ҳисобида газли сув билан таъминланишлари керак.

69. Иш жойидан сув ичиш қурилмасигача бўлган масофа 75 м дан ошмаслиги керак.

70. Ичимлик сувни ҳарорати 8° С дан 20° С гача бўлиши керак.

71. Ташкилот ҳудудидаги ҳожатхоналар иссиқ ва канализацияланган бўлиши лозим.

72. Ташкилотда канализация тизими йўқ бўлганда Давлат санитар назорати органлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантирмасликка ва ишлаб чиқариш канализациясига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмалари ахлат ўраларига рухсат этилади.

### 12-§. Ёритишга қўйиладиган талаблар

73. Ташкилот майдонида, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва хоналарда табиий ва сунъий ёритишлар ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мос бўлиши керак.

74. Авария ёритиш тармоқларига бирорта электр энергия истеъмолчиларини улаш тақиқланади. Авария ёритишларни созлиги камида чоракда бир марта текшириши лозим.

75. Ёруғ тушувчи ойналарни йилда икки мартадан кам бўлмаган ҳолда тозалаш лозим.

76. Ёруғлик тушадиган дераза ва эшикларни бегона предметлар (ускуна, тайёр маҳсулот ва бошқалар) тўсиб қўйишга рухсат этилмайди.

77. Сунъий ёритишда икки тизим ишлатилади: умумий ва бирлашган (умумий маҳаллий билан биргаликда). Биргина маҳаллий ёритишни қўллаш тақиқланади.

78. Участкаларда ва хоналарда портлаш бўйича хавфли газ ва чанглар

концентрацияси йиғилиб қолиш эҳтимоли бўлса, электр ёритиш тизими портлашдан холи ҳолда бажарилиши керак.

79. Юқори хавфли хоналарда кучланиши 36 В дан юқори бўлмаган кўчма электр ёриткичлар ишлатилиши керак. Ўта хавфли хоналарда, хоналардан ташқари, ҳамда ускуналар ва иншоотлар (бункерлар, силосослар, қудуқлар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)ни ички сиртини ёритиш учун кўчма электр ёриткичларни кучланиши 12 В дан ошмаслиги керак. Барча кўчма ёриткичлар ҳимояланиш даражаси IP54 дан кам бўлмаган ва металл ҳимояланиш тўри ҳамда шиша қалпоқ билан ускуналанган бўлиши керак.

### **13-§. Меҳнат ва дам олиш юзасидан талаблар**

80. Ташкилотларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати»нинг талаблари инобатга олинган ҳолда, ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.

## **III. Ишлаб чиқариш (технологик) жараёнларига қўйиладиган талаблар**

### **1-§. Технологик ҳужжатларда ҳисобга олиниши лозим бўлган хавфсизлик талаблари**

81. Табиий тошга ишлов бериш технологик жараёнлари ГОСТ 12.3.002-75 «Ишлаб чиқариш жараёнлари. Умумий хавфсизлик талаблари»га мувофиқ бўлиши лозим.

82. Технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги чоралар назарда тутилади:

а) технологик жараён танлаганда, зарарли ишлаб чиқариш омиллари энг кам ифодаланган технологик жараёнларни қўллаш;

б) зарарли ишлаб чиқариш омиллари бўлганда комплекс механизация, автоматизация, технологик жараёнларни ва операцияларни масофадан бошқаришни қўллаш;

в) ҳимоя воситаларини қўллаш;

г) технологик ускуна қайта жиҳозлаганда, тайёрланганда, йиғилганда ва фойдаланилганда хавфсизлик чоралари назарда тутилиши ва иш хонаси ҳавосига зарарли чиқиндиларни чиқишини камайтириш ёки уларни олдини олиш чоралари назарда тутилиши керак;

д) иш хоналари ҳавосида зарарли чиқиндиларни тўлиқ камайтиришнинг иложи бўлмаса, хоналар ва участкаларнинг иш ҳудудларида мумкин қадар унинг тарқалишини камайтириш мақсадида, зарарли моддалар ажралиб чиқадиган жойдан ҳавони сўриш.



83. Тошга уриб ишлов бериш ишлари алоҳида хоналарда ёки алоҳида бўлган иш жойларида баландлиги 2 м дан кам бўлмаган овоз ютувчи экран билан тўсилган бўлиши лозим.

84. Оғирлиги 20 кг дан ортиқ бўлган плиталарга ишлов бериш технологик жараёнларида битта операциядан иккинчисига ўтказилиши механизация воситалари (арава, рольгангда) ёрдамида бажарилиши лозим.

85. Тошга арралаш ва силлиқлаш-пардозлаш дастгоҳларида ишлов берилганида совутиш суюқликларини бериб туриш лозим. Агарда совутиш суюқлигини бериш тўхтаб қолса жиҳозларни автоматик тўхташи назарда тутилган бўлиши лозим.

86. Тошларга ишлов бериш технологик жараёнларидаги оқова сувлар канализация тизимига ташланишидан олдин зарарли ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тозаланиши лозим.

87. Технологик жараёнлар ташкил қилинганда ва олиб борилганида қуйидагилар талаб қилинади:

а) ишлаб чиқариш хоналарининг иш ҳудудидаги метеорологик шароитлар ва ҳавосидаги чанг миқдори ГОСТ 12.1.005-88 «Иш ҳудудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблар»га мос келиши;

б) иш жойларида товуш босими миқдори октава полосасида, товуш даражаси ва эквивалент товуш даражаси ГОСТ 12.1.003-83 «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари»га мос келиши.

## **2-§. Ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талаблари**

88. Ишлаб чиқариш жараёнлари ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва олиб боришда ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблари» ва ГОСТ 12.1.010-90 «Портлаш хавфи. Умумий талаблари» талабларига ва ушбу Қоидаларга мувофиқ таъминланиши лозим

89. Ишлаб чиқаришда ўрганилмаган ёнғин ва портлаш хавфи ва токсик хусусиятларига эга бўлган моддалар ва материалларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш тақиқланади.

90. Технологик объектларнинг портлаш хавфлилиги ҳолати юзасидан белгиланган тартибда назорат ўрнатилиши лозим.

91. Технологик жараёнлар жойлаштирилган бинолар ва хоналарнинг портлаш жиҳатидан хавфлилик тоифалари лойиҳа ташкилоти томонидан ТЛТМ 24-86 «Технологик лойиҳалаштириш тармоқ меъёрлари»га мувофиқ ҳар бир ҳолат учун алоҳида аниқланиши керак.

92. Технологик жараёнларни амалга оширишда ёнғинлар, портлашлар, авариялар, захарланишлар содир бўлиши ҳамда атроф муҳит ишлаб чиқариш чиқиндилари (оқова сувлари, вентиляция чиқиндилари ва шу каби) билан ифлосланиш эҳтимолини истисно этадиган шароитлар таъминланиши лозим.

93. Барча ишлаб чиқариш цехлари, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборхоналари, маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

94. Вентиляция тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган бўлиши лозим.

95. Ҳар бир цех, участка, омборда мавжуд меъёрлар асосида, ҳудудий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши ва кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

96. Ташкилотларда барча ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший хоналарда ёнғин хавфсизлигига жавобгар шахс ташкилот раҳбариятининг буйруғига асосан тайинланиши лозим.

97. Ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги идоралари томонидан белгиланган меъёрларда ёнғинга қарши курашиш учун ўт ўчириш воситалари бўлиши лозим.

98. Ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги техминими бўйича машғулотлар ўтказилиши ва уларга тегишли йўл-йўриқлар берилиши лозим.

99. Бино ва ёнғин сув манбаи йўлаклари, ҳамда ёнғин воситалари ва ускуналарига борадиган йўлаклар доимо бўш бўлиши керак. Бинолар оралигидаги ёнғинга қарши масофа узилмаларида материаллар, ускуналар, бўш идишларни тахлаш ва автомобиль тўхтов жойи учун ишлатишга рухсат этилмайди.

### **3-§. Ходимлар ҳимоясини ва ишлаб чиқариш ускуналарини автоматик ўчишини таъминловчи технологик жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш тизимлари**

100. Ускуна ва автоматлаштирилган линиялар, уларнинг ишга тушганлиги ҳақида огоҳлантирувчи ёритиш ва товуш сигналлари тизими билан таъминланади. Сигнал элементлари (қўнғироқ, сирена, лампа) механик шикастланишдан ҳимояланган бўлиши ва хизмат кўрсатувчи ходимлар иш ҳудудида сигнални эшитиши ва кўришини таъминлаб жойлаштирилиши лозим.

101. Электр токидан шикастланишнинг олдини олиш учун ишлаб чиқариш ускунаси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) хавф манбаи бўлган ишлаб чиқариш ускунаси ток узатувчи қисми мустаҳкам қотирилган, изоляцияланган, тўсилган ёки одамлар учун ўтиб бўлмас жойда ўрнатилган бўлиши лозим;

б) электр ускунанинг очиқ бўлган ток узатувчи қисми эшиги ёпилувчи корпус (шкаф, блок) ёки одамлар учун ўтиши мумкин бўлган жойда жойлашганда ёпиқ ҳимоя ёпқичи (кожухи) бўлиши лозим;

в) ишлаб чиқариш ускунасининг металл қисми изоляция шикастланиши натижасида электр кучланишининг хавфли кўрсаткичи 10 — 15 мА таъсирида бўлса, ерга сим орқали уланган бўлиши лозим;

г) ишлаб чиқариш ускунаси электр занжири схемасида барча электр занжирни таъминлаш тармоғидан ўчириш марказий мосламаси назарда тутилиши лозим.

102. Ечиладиган ҳимоя ва тўсиқ мосламалари фақат конструкция ёки

технологик сабаблар бўйича уларни стационар ўрнатиш имкони бўлмаганидагина қўлланилади.

103. Таъмирлаш ва созлаш ишларини бажариш, ҳамда технологик жараёни ва механизм ишини кузатиш учун тўсиқларда ёпилувчи ойна ёки люклар назарда тутилиши мумкин. Кузатиш ойнаси ва люкларининг тузилмаси (конструкцияси) хизмат кўрсатувчи ходимнинг кузатиш қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаши керак.

#### **4-§. Бошланғич материаллар, ярим ва тайёр маҳсулотлар ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва транспортда ташиш**

104. Ишлов берилувчи материаллар ва ярим маҳсулотлар ҳажм ўлчамлари ишловни бажарувчи ускуна паспорти кўрсаткичларига мувофиқ бўлиши лозим.

105. Омборлар ва юк сақлаш учун майдончалар, қурилма ва ускуналари, уларнинг қурилиши санитария ва ёнғинга қарши меъёрлар ва қоидалар ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган технологик лойиҳа меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

106. Юклаш-тушириш ишлари ва юкларни жойлаштириш Юк ортиш ва тушириш ишларидаги юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 1582, 2006 йил 13 июнь) талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

107. Омбор ва юк сақлаш учун майдончаларда барча юклаш, тушириш ва оғир меҳнат категориясига тегишли юкни ҳаракатлантириш жараёни механизациялашган бўлиши лозим.

108. Юк сақлаш учун майдончалар сатҳи текис бўлиб, чуқурчаларсиз ва 5<sup>о</sup> дан ошмайдиган нишаби бўлиши керак. Юк сақлаш учун майдончалар қопламаси унга келувчи йўллар қопламасига тенг бўлиши лозим. Йилнинг қиш ойларида юк сақлаш учун майдончалар доимо қор ва муздан тозаланиб, қум, кул ёки шлак сепилиши керак.

109. Омбор ёки юк сақлаш учун майдончалар ҳудудига кираверишда ҳаракат йўналиши, юклаш-тушириш жойи ёки транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойини кўрсатувчи чизма осилган бўлиши керак.

110. Ташкилотга қопларда келиб тушган абразив ва пардозлаш материаллари ёпиқ хоналарда сақланиши лозим.

111. Яшиқ ва қоплардаги юклар омборда ағнамайдиган қилиб устма-уст тахланган бўлиши лозим. Қўлда устма-уст тахланиш баландлиги 3 м дан ошмаслиги, юк қўтариш механизми ёрдамида тахланганда — 6 м дан ошмаслиги лозим. Йиртилган ва носоз идишдаги юкни устма-уст тахлаш тақиқланади.

112. Омборда устма-уст тахланган ёки юк идишлари стеллажлар оралигидаги йўлакнинг эни 1,5 м дан кам бўлмаслиги лозим. Омборда транспорт воситалари ишлатилганда, йўлакка қўшимча қўлланиладиган транспорт воситалари ўлчамлари кенглигидаги йўл бўлиши лозим.

113. Табиий тошнинг блоклари оралиғи тахтали қистирмалар билан штабелларга тахланиши ва унинг баландлиги икки қатордан ошмаслиги лозим.

114. Вагонлардан тушириб тахланаётган ва вагонга юклашга тайёрланаётган материаллар ва ускуналар, юк билан темир йўл изининг рельсигача бўлган масофа 2 м дан яқин, тахланган юкнинг бандлиги 1,2 м дан ортиқ бўлганда — 2,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

115. Бўшаган идиш ва бошқа ўровчи материаллар доимо омбордан шу мақсадлар учун ажратилган жойга чиқарилиши лозим.

116. Ҳар бир омбор учун материалларни сақлаш ва ишларни хавфсиз олиб бориши бўйича йўриқнома ташкилот маъмурияти томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

#### **IV. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига қўйиладиган талаблар**

##### **1-§. Умумий талаблар**

117. Барча қўзғалмас ускуналар, агрегат ва дастгоҳлар ишлаб чиқарган завод кўрсатмасига биноан мустаҳкам асосларга ва пойдеворларга ўрнатилиши лозим.

118. Барча айланувчи ва ҳаракатланувчи қисмлар (валларнинг чиқиб турган учлари, ҳаракат узатувчи тасмалар ва бошқалар) тўсилган бўлишлари керак.

119. Тўсиқлар мустаҳкам, енгил, ишончли равишда маҳкамланган бўлиши ва унинг қисиб қолувчи тирқишлари, кесиб олувчи ва ўтқир бурчаклари бўлмаслиги керак.

120. Оғирлиги 5 кг дан ортиқ бўлган тўсиқлар ушлаш учун қулай дастакларга эга бўлиши керак.

121. Ўзидан чангли ҳаво чиқарувчи ишлаб чиқариш ускуналари зичлаб беркитилиши ва чанг ҳавони сўриш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

122. Янги ўрнатилган ёки капитал созлашдан чиққан ускуналарни хавфсизлик техникаси муҳандиси иштирокида далолатнома тузилгандан кейин ишлатишга рухсат берилиши лозим.

123. Машинани созлаш, тозалаш, мойлаш ва камчиликларини бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажариш электр таъминотидан узиб қўйилган, бутунлай ҳаракатдан тўхтаган ва огоҳлантирувчи белги осиб қўйилган ҳолатда бажарилиши лозим. Машинани юрғазиш белгини осиб қўйган шахс томонидан амалга оширилиши керак.

124. Тўсиқларнинг ва ҳимояловчи мосламаларнинг ҳамда асбобларнинг созлиги цех (бўлинма) раҳбарияти томонидан мунтазам текшириб турилиши керак.

125. Монтаж ва демонтаж вақтида қўлланиладиган тагликлар ва кўтариш механизмлари иш бошлашдан аввал синаб кўрилиши керак.

126. Ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланишда:

а) механизациялаш, автоматлаштириш ва масофадан бошқаришни қўллаш;

в) эргономик талабларни қўллаш;

г) фойдаланиш, таъмирлаш, йиғиш, транспортда ташиш ва сақлаш бўйича хавфсизлик талабларига амал қилиш лозим.

127. Ишлаб чиқариш ускунасини тозалаш ишлари махсус асбоблар ёрдамида (шётка, қирғич, илмоқ ва бошқалар) амалга оширилиши лозим. Ишлаб турган ускунада тозалаш ва йиғиштириш ишларини бажариш тақиқланади.

128. Ускуна ишлаб турган вақтда унинг ҳаракатланувчи қисмларини қўлда мойлаш тақиқланади.

129. Тошга ишлов берувчи дастгоҳларини иш жойларида кенглиги 1,5 м дан кам бўлмаган тахта тўшамаси бўлиши лозим. Тахта планкалар орасидаги оралиқ масофаси 3 см дан ошиқ бўлмаслиги лозим.

130. Кесувчи асбобларни алмаштириш фақат юритиш юргизувчиларини электр тизимидан ўчирилганида амалга оширилади. Алмаштириш пайтида электр тарқатув қурилмасидан химояловчилар олиниб, ишга тушириш қурилмасига ГОСТ 12.4.026-76 бўйича «Ёқилмасин одамлар ишламоқда» ёзувли тақиқловчи хавфсизлик белгиси осилиши лозим.

## 2-§. Арралаш дастгоҳлари

131. Арралаш дастгоҳларига узатиб берувчи араваларни ҳаракатланиши механизациялашган бўлиши лозим.

132. Араваларни рельс йўллари бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги 15 м/мин дан ошмаслиги лозим.

133. Узатиб берувчи араваларни ҳаракатланиши огоҳлантирувчи овозли сигнал билан кузатилиши лозим.

134. Узатиб берувчи араваларни йўналтирувчисининг сатҳи арраловчи рамали дастгоҳнинг дастгоҳ аравачасининг рельс йўллари сатҳи билан баробар бўлиши лозим.

135. Узатиб берувчи араваларни тузилмаларида дастгоҳ аравачаси ўзидан-ўзи ғилдираб кетишини олдини олиш учун тўхтатиш мосламасига эга бўлиши лозим.

136. Дастгоҳ аравачасига ўрнатилган блок мустаҳкам қотирилган бўлиши лозим.

137. Бир нечта блокларни жойлаштиришда дастгоҳ аравачасида бири-бирига нисбатан сурилиб кетиши бартараф этилган бўлиши лозим.

138. Блокларни жойлаштиришда бир-бирига цемент қоришма (гипс қипик, бетон ва бошқа қоришмалар) билан қотирилиши лозим.

139. Арралаш дастгоҳининг дастгоҳ аравачаси иш ҳудудида аравача тузилмасида назарда тутилган мосламалар ёрдамида мустаҳкам қотирилган бўлиши лозим.

140. Дастгоҳдан дастгоҳ аравачасини ғилдиратиб чиқариб олишдан ол-

дин арраланган маҳсулотлар дастгоҳ аравачасини тирговичларига тахта қистиргич билан қотирилган бўлиши лозим.

141. Таъминловчи ва бориб-келувчи арраловчи раманинг темир тўрли ечилувчи тўсиқлари юритувчини ишга тушириш қурилмаси билан шундай блокировка қилинган бўлиши керакки, тўсиқлар ечилганида дастгоҳ автоматик тарзда тўхташи лозим.

142. Рамали дастгоҳнинг бошқарув пулти дастгоҳни тўсиқларидан ташқарида, хизмат кўрсатиш учун қулай жойда жойлашган бўлиши лозим.

143. Рамали дастгоҳни арралари жамланмасини алмаштириш арралаш рамаси пастки ҳолатида бажарилиши лозим.

144. Бошқарув пултидан дастгоҳни ҳаракатланувчи қисмлари кўришиб туриши лозим.

145. Арралаш дастгоҳининг олмаз-дискли кесувчи қисми созланадиган яхлит темир ёпқич билан тўсилган бўлиши лозим. Носоз олмаз-дискли кесувчидан фойдаланиш тақиқланади.

### **3-§. Силлиқлаш-пардозлаш дастгоҳлари ва конвейер линиялари**

146. Плиталарни силлиқлаш-пардозлаш дастгоҳ столлари ишлаётганларни сув, абразив ва ишлов берилаётган тош қисмлари сачрашидан ҳимояловчи баландлиги 0,25 м дан кам бўлмаган бортларга эга бўлиши лозим.

147. Силлиқлаш-пардозлаш конвейерлари силлиқловчи асбоб айланмаётганида ёки у ва ишлов берилаётган тош синганида автоматик тарзда тўхташини таъминловчи блокировка қурилмасига эга бўлиши лозим.

148. Конвейердан синган ёки ҳажмсиз плиталарни олиниши фақат дастгоҳ электр тизимидан ўчирилиб, тегишли хавфсизлик чоралари кўрилганидан сўнг амалга оширилади.

### **4-§. Фреза дастгоҳлари**

149. Йиғма фрезаларни тузилмаси иш пайтида унинг тишларини тушиб кетиши эҳтимолини истисно этиши лозим. Тиши синган фрезаларни кўлланиши тақиқланади.

150. Тошни гидравлик қисиб турувчи тизимда босим тушиб кетганида дастгоҳ автоматик тарзда тўхташи лозим.

151. Қиррали фреза дастгоҳларини кесиш ҳудуди совутиш суюқлигисиз ишлаганида аспирация тизимига уланган маҳаллий сўрувчи билан жиҳозланган бўлиши лозим.

### **5-§. Уриб ишловчи дастгоҳ ва асбоблар**

152. Тош блоки синдириш жойида ёғоч такликка шундай ётқизиши керакки, яъни унинг ясси тепа қисми горизонтал ҳолатда бўлиши лозим.

153. Штабелда турган блокларни синдирилиши тақиқланади.

154. Пневматик қўл асбоб билан ишлаганда (перфоратор, чопувчи ва урувчи болгалар) тебранишни сўндирувчи қурилмалар (каретка, манипулятор ва ушлагичлар) қўлланиши лозим.

155. Тошни уриб ишлов бериш ишларида банд бўлган ишчилар ҳимоя кўзойнаклари ва шовқинга қарши ҳимояланиш воситалари билан таъминланиши лозим.

## **6-§. Термо оқимли асбоблар**

156. Тошга термо оқимли асбоб билан ишлов берилиши, жиҳозланган очиқ майдонларда ёки овозни изоляция қилувчи ёнмайдиган материал билан тўсилган ва ёнғинга қарши воситалар билан таъминланган кабиналарда (қўпикли ёнғин ўчирувчи восита, асбест намати, қумли яшик) амалга оширилиши лозим.

157. Термо оқимли асбоблардан фойдаланиш ишлаб чиқарувчи заводнинг фойдаланиш бўйича йўриқнома талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

158. Термо оқимли асбобларда ёнилғи сифатида этил спиртини ишлаши тақиқланади.

159. Термо оқимли асбоблардан фойдаланишда ходимлар ҳимоя кўзойнаклари ва шовқинга қарши ҳимояланиш воситалари билан таъминланиши лозим.

160. Сўндирувчи барабанларга буғ етказиб берувчи қувурлар норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

## **7-§. Ёпишган плиталарни ишлаб чиқариш**

161. Ёпиштириш аралашмасини компонентларини майдаланиши (қотирувчи, тўлдирувчи) ёпиқ майдалаш аппаратларида, ёпиштириш аралашмасини тайёрланиши эса — тиқинлари зичланган аралаштиргичларда бажарилиши лозим.

162. Термастатлар ва қуритиш камераларнинг тиқинлари зичланган ва иссиқликка изоляцияланган бўлиши лозим.

163. Плиталарни ёпиштиришда стол юзаси (ёпишқоқ аралашмани қуйиш) алмашадиган қопламага эга бўлиши лозим.

## **V. Таъмирлаш ишларини бажаришда меҳнат хавфсизлиги талаблари**

### **1-§. Таъмирлаш ишларини ўтказиш тартиби ва шароити**

164. Таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва бажариш ташкилот касаба қўмитаси билан келишилган ва бош муҳандис тасдиқлаган усқунани таъмирлаш режасига мувофиқ бўлиши лозим.

165. Ташкилот ҳудудида ишлаб чиқаришни (цех) ёки цехда қурилма, агрегат, айрим асбоб-ускуналарни таъмирлашга тўхтатиш учун ташкилот (цех) бўйича буйруқ (фармойиш) чиқарилиши лозим.

166. Ташкилот ҳудудидаги ускуна, бино ва иншоатларни таъмирлаш бўйича ишларни пудрат услубида бажаришда, буюртмачи бош пудратчи билан биргаликда таъмирлаш ишларини бажариш вақтида ишловчиларнинг хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи тадбирлар ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим.

167. Буйруқ билан тасдиқланган бош пудратчи ва ишлаб турган ташкилот масъул вакиллари ишни бошлашдан олдин наряд-рухсатномани расмийлаштириши лозим. Бош пудратчи иш берувчисига барча пудратчи ташкилотлар хавфсиз шароитларда иш бажариши ва уларнинг ишини мувофиқлаштиришни таъминлаши учун қонунчиликда белгиланган тартибда масъулият юклатилади. Таъмирлаш ишлари муддати наряд-рухсатномада кўрсатилади.

168. Буйруқда пудратчилардан бевосита иш раҳбари, шунингдек кўрсатилган ишларга ускуналар ва объектни тўлиқ тайёрлаш, ишларни хавфсиз амалга ошириш ва пудратчилар ёки буюртмачининг таъмирлаш хизмати билан тезкор алоқалар учун жавобгар шахслар ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

169. Барча ускуналарда ташкилот бош муҳандиси тасдиқлаган жадвал бўйича белгиланган муддатларда режали таъмирлаш ишлари ўтказилади.

170. Таъмирлаш ишларида банд бўлган пудратчининг барча ходимлари таъмирлаш ишлари бошланишидан олдин, ушбу цехда ишларни хавфсиз олиб бориш учун ходимлар хавфсизлик техникаси бўйича кириш йўриқномасидан ўтказилиши лозим. Йўриқномадан ўтказиш ишлари буюртмачи томонидан амалга оширилади.

171. Режалаштирилган ишларни бажаришдан олдин меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномадан ўтказиш ишлари пудратчи ташкилот томонидан ўтказилиши лозим.

172. Пудратчи ишлаётган ҳудудда буюртмачи томонидан зарарли ва ёниш хавфи бўлган моддаларни пайдо бўлишига йўл қўймайдиган меъёрий санитария-гигиеник шароитлар яратилиши керак.

173. Асбоб-ускуна ва коммуникацияларда таъмирлаш ишларини амалга оширишдан олдин, қўйидагилар бажарилиши лозим:

электр энергия таъминотидан ўчириш;

асбоб-ускуна ва коммуникацияларни технологик муҳит қолдиқларидан, асбоб-ускунани зарарли, заҳарли ва ёнувчи газ ва маҳсулотлардан бўшатиш;

таъмирланадиган асбоб-ускуна, коммуникация, қудуқ ва ўралардаги инерт, ёнувчи, заҳарли газлар ва кислород миқдорини тегишли таҳлилларини ўтказиш йўли билан текшириш.

174. Ташкилот ҳудудида қазиш ишларини бажаришда буюртмачи пуд-



ратчига наряд-рухсатнома билан бирга тегишли цех ва хизматлар билан келишилган рухсатномани ёзма тарзда топшириши керак.

175. Пудратчининг эҳтиёжлари учун электр энергияни улаш, шунингдек иш тугаганидан кейин узиш, цех бошлигининг рухсати бўйича буюртмачининг бош энергетик хизмати томонидан бажарилади.

176. Таъмирлаш ишлари тугалланганидан сўнг асбоб-ускуна ва коммуникацияларни қабул қилиш далолатномаси икки томонлама имзоланиб, ушбу асбоб-ускуна ва коммуникацияларни ишга тушириш ҳақида фармойиш чиққандан сўнг, фойдаланишга қабул қилиниши лозим.

## **2-§. Таъмирлаш ишларини олиб боришда хавфсизлик талаблари**

177. Таъмирлаш ишларини бошлашдан олдин қўйидагилар амалга оширилиши зарур:

электродвигател электр таъминоти тармоғидан ускунани ҳаракатлантирувчи ва уни тўлдириб бўшатувчи қурилмасидан ўчирилади;

электр тақсимоти қурилмасидан электр сақлагичлар суғирилади;

ускунадан ҳаракатлантирувчи электр двигателни ўчиришда, муфтани узиш, ҳаракатлантириш тасмалари, занжирларини ечиш ва бошқалар бажарилади;

ҳаракатлантириш мосламасига ГОСТ 12.4.026-76 бўйича «Ёқилмасин — одамлар ишламоқда» ёзувли тақиқловчи хавфсизлик белгиси осилади.

178. Техника хавфсизлиги бўйича юқори талаблар қўйилган ишларни бажаришда, электродвигателларни электр тақсимлаш қурилмаларидан ўчириш, ускунани ҳаракатлантирувчи электродвигателдан узиш, ГОСТ 12.4.026-76 бўйича «Ёқилмасин-одамлар ишламоқда» ёзувли тақиқловчи хавфсизлик белгиси осилиши, маъсул раҳбар ва иш бажарувчини шахсан иштирокида бажарилиши шарт.

179. Хавфсизлик белгисини олиш ва ускунани ёқиш, техника хавфсизлиги бўйича юқори талаблар қўйилган ишлар учун маъсул раҳбар рухсатидан сўнг бажарилиши лозим.

180. Машинанинг барча ҳаракатланувчи ёки хавф туғдирувчи қисмлари махсус филофлар билан тўсилган бўлиши лозим.

181. Баландликдаги ишларда фақат таянч ёки резинали қопламалар билан таъминланган соз нарвонлардан фойдаланиш лозим.

182. Нарвонни тираб қўйиш билан боғлиқ ишлар икки ишчи билан бажарилади, улардан бири ишловчини хавфсизлиги учун нарвон асосида доимо бўлиши лозим.

183. Кўчирилувчи нарвон текис сатҳга ўрнатилиб, асоси резинага кийгизилган бўлиши лозим. Тираб қўйилувчи нарвонни ерга ўрнатиш учун асоси металл учли бўлиши лозим.

184. Тираб қўйилувчи нарвонларни ўзаро боғлаб, шунингдек электр қурилмаларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда темир нарвонни қўллаш тақиқланади.

185. Тираб қўйилувчи нарвондан фойдаланишдан олдин ва ҳар ярим йилда, горизонтал текисликга 75° бурчак остида ўрнатилиб, нарвон ўртаси қадам поғонасига қўйилган 120 кг оғирликдаги статик юк кўтариш синовидан ўтказилиши лозим.

186. Тираб қўйилувчи нарвонни умумий узунлиги, ишчини нарвон тепа учидан 1 м дан кам бўлмаган масофада жойлашган поғонада туриб, иш бажариш имкониятини таъминлаши лозим.

187. Таъмирлаш ишлари ер сатҳи, майдонча ёпқичи ёки қопламадан 5 м юқори баландликда бажарилганда, баландликда ишларни бажариши учун рухсат берилган ходим томонидан бажарилиши лозим. Бундай ишларни ҳимоя камари ва муҳофаза арқонидан фойдаланмасдан бажариш тақиқланади.

188. Оғирлиги 50 кг дан юқори бўлган ускуна қисми ва тармоғини ечиш ҳамда ўрнатиш механизацияланган услубда бажарилиши лозим.

### **3-§. Ускуна ва мосламани таъмирлаш ва уни фойдаланишга топшириш**

189. Ишчилар бажариладиган иш хусусиятига мувофиқ соз асбоб ва мосламалар жамламаси билан таъминланиши лозим.

190. Асбоб ва мосламалар ҳолати бир ойда бир мартадан кам бўлмаган даврда текширилиши лозим.

191. Техник хизмат кўрсатиш, даврий ва капитал таъмир бўйича ишларни бажариш тартибида, ишлаб чиқарувчи — завод тасдиқлаган таъмирлаш ва фойдаланиш ҳужжатида белгиланган зарур иш ҳажмини кўрсатиш лозим.

192. Технологик ускуна таъмирлангандан сўнг синаш ва ишлатиб кўришдан ўтказилиши зарур. Қисм ва агрегатларни ишлатиб кўриш аввало 2 соат давомида «Бўш» ҳаракатда, сўнг 10 соат давомида иш юклови остида амалга оширилиши лозим.

193. Ишлатиб кўриш учун механизмларни ёқишдан олдин, тармоқлар тўғри йиғилгани, бегона жисмлар йўқлигини кўриш ва ишонч ҳосил қилиш, ҳаво узатиш пневматик тизими тўғри уланиб, мустаҳкам қотирилганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

194. Синов ва ишлатиб кўриш даврида таъмирланган тармоқ ва агрегатларини барча нуқсонлари, электродвигател ва тармоқ подшипникларини қизиш даражаси ҳамда мой оқиши бартараф қилиниши керак.

195. Ускунани таъмирдан сўнг фойдаланишга яроқлилиги, қабул қилувчи комиссияни далолатномасида қайд қилиниши лозим.

196. Ускуна йиғилгандан ёки таъмирлангандан сўнг фойдаланиш учун ёқишдан олдин қуйидагиларни бажариш зарур:

- а) одамларни хавфсиз жойга ўтказиш;
- б) машина ташқариси ва ичидан бегона буюмларни олиб ташлаш;
- в) ҳимоя тўсиқлари мавжудлиги ва мустаҳкамлигини текшириш;

- г) ҳаракатланувчи қисмларни мойлаш ва созлаш;
- д) ҳимоя сақловчи ва назорат ўлчов асбобларини созлигини текшириш;
- е) ускуна йиғилишини тўғрилигини текширишда, ўзаро боғлиқ ҳаракатланувчи механизмларни тўлиқ циклида уни ҳаракатланувчи қисмини айлантириш;
- з) ускунани бўш ҳаракатда ва иш юклови остида синаш.

## **VI. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

197. Ташкилотларни (цехларни) лойиҳалаштиришда, қуришда (монтаж қилишда) мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи ташкилотлар зиммасига юклатилади.

198. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

## **VII. Яқуний қоидалар**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси билан келишилган.

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

**Д. ЖАҲОНГИРОВА**

*2009 йил 23 октябрь*

*Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси*

**Б. ХОДЖАЕВ**

*2009 йил 23 октябрь*

*Ички ишлар вазири*

**Б. МАТЛЮБОВ**

*2009 йил 23 октябрь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. ИКРАМОВ**

*2009 йил 23 октябрь*

*«Саноатконтехназорат» Давлат  
инспекцияси бошлиғи*

*И. ХОЛМАТОВ*

*2009 йил 23 октябрь*

*«Ўзқурилишматериаллари»  
АК Бошқарув раиси*

*Э. АКРАМОВ*

*2009 йил 23 октябрь*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2009 йил 5 декабрдан 18 декабргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Автомобилтранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 107-сонли буйруғи.*

*2009 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050 (2009 йил 10 декабрдан кучга киради).*

2. «2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалар гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01-02/12-22, ЭГ-01/10-7233-сонли қарори.*

*2009 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2053 (2009 йил 24 декабрдан кучга киради).*

3. «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари-ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2009 йил 15 декабрдаги 280-мқ-сонли буйруғи.*

*2009 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2054 (2009 йил 25 декабрдан кучга киради).*

4. «Қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 20 ноябрдаги 2009-45-сонли буйруғи.*

*2009 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1396-2 (2009 йил 25 декабрдан кучга киради).*

5. «2010 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари-ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил 16 ноябрдаги 4-сонли қарори.*

*2009 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2055 (2009 йил 27 декабрдан кучга киради).*

6. «Табий тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 12 ноябрдаги 68-Б-сонли буйруғи.*

*2009 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2056 (2009 йил 28 декабрдан кучга киради).*

### **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор. *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1880, 2008 йил 13 декабрь).*

*Адлия вазирининг 2009 йил 17 декабрдаги 282-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

### **III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Кўмир шахталарида аэрогаз назорати тизими бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

*Адлия вазирлиғи билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.*

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлиғида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

*респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

**WWW.LEX.UZ**

**сайтига марҳамат қилинг**

